

*Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги  
Республика Таълим маркази*

*Таълим жараёнини фаоллаштириш ва  
жадаллаштиришга йўналтирилган  
педагогик технологиялар*

*Тошкент-2013*

## ***Таълим жараёнини фаоллаштириш ва жадаллаштиришга йўналтирилган педагогик технологиялар***

- 1. Педагогик технологиянинг даражалари ва асосий йўналишлари**
- 2. Таълим жараёнини фаоллаштириш ва жадаллаштиришга йўналтирилган педагогик технологияларнинг мақсад ва вазифалари**
- 3. Ўқув материалининг белгили моделлари асосида таълимни жадаллаштириш технологияси**
- 4. Таълим жараёнини фаоллаштириш ва жадаллаштиришда ахборот технологияларидан фойдаланиш йўллари**
- 5. Таълим жараёнини фаоллаштириш ва жадаллаштиришга йўналтирилган педагогик технологияларда интерфаол методлардан фойдаланиш мезонлари**
- 6. Таълим жараёнини фаоллаштириш ва жадаллаштиришга йўналтирилган педагогик технологияларда интерфаол таълимнинг ўрни**
- 7. Ушбу йўналишда фойдаланиладиган ўқитиш методлари ва тадбиқ қилиш воситалари**
- 8. Дидактик ўйин турлари ва мақсадлари**

**Кириш**

Мамлакатимиз ривожланишининг муҳим шарти замонавий иқтисодиёт, фан, маданият, техника, технология ривожига асосида кадрлар тайёрлашнинг такомиллашган тизимининг амал қилишига эришишдир.

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да “Таълим беришнинг илғор педагогик технологияларини, замонавий ўқув-услубий мажмуаларини яратиш ва ўқув –тажриба жараёнини дидактик жиҳатдан таъминлаш” умумий ўрта таълимнинг асосий вазифаларидан бири сифатида белгиланган эди.

Президентимиз И.Каримов “Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз форовонлигини юксалтиришдир” мавзусидаги Вазирлар маҳкамасининг мажлисидаги нутқида: “Биз фарзандларимизнинг нафақат жисмоний ва маънавий соғлом ўсиши, балки уларнинг энг замонавий интеллектуал билимларга эга бўлган, уйғун ривожланган инсонлар бўлиб, XXI аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган баркамол авлод бўлиб вояга етиши учун зарур барча имконият ва шароитларни яратишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз”,- деган эди.

Президентимиз томонидан келажак авлод тарбиясига берилаётган бундай катта эътибор таълим тизимини ва педагоглар зиммасига улкан вазифаларни юклайди. Бу вазифаларни амалга ошириш чуқур билим ва катта маҳоратни талаб этади.

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”ни амалга ошириш узлуксиз таълим тизимининг тузилмаси ва мазмунини замонавий фан ютуқлари ва ижтимоий тажрибага таянган ҳолда туб ислохотларни кўзда тутати. Бунинг учун, аввало, таълим тизимининг барча шаклдаги муассасаларида таълим жараёнини илғор, илмий-услубий жиҳатдан асосланган янги ва замонавий услубият билан амалда таъминлаш лозим. Ёш авлодга таълим-тарбия беришнинг мақсади, вазифалари, мазмуни, услубий талабларига кўра фан, техника ва илғор технология ютуқларидан унумли фойдаланиш бугунги таълим тизими олдида турган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Таълимнинг самарадорлигини ошириш, шахснинг таълим марказида бўлишини ва ёшларнинг мустақил билим олишларини таъминлаш учун таълим муассасаларига яхши тайёргарлик кўрган ва ўз соҳасидаги билимларни мустаҳкам эгаллашдан ташқари замонавий педагогик технологияларни ва интерфаол усулларни биладиган, улардан ўқув ва тарбиявий машғулотларни ташкил этишда фойдаланиш қоидаларини биладиган ўқитувчилар керак. Бунинг учун барча фан ўқитувчиларини янги педагогик технологиялар ва интерфаол усуллар билан қуроллантириш ва эгаллаган билимларини ўқув–тарбиявий машғулотларда қўллаш малакаларини узлуксиз ошириб боришлари лозим.

### **1. Педагогик технологиянинг даражалари ва асосий йўналишлари**

Замонавий таълимни ташкил этишга қўйиладиган муҳим талаблардан бири ортиқча рўхий ва жисмоний куч сарф этмай, қисқа вақт ичида юксак натижаларга эришишдир. Қисқа вақт ичида муайян назарий билимларни ўқувчиларга етказиб бериш, уларда маълум фаолият юзасидан қўникма ва малакаларни ҳосил қилиш. Улар томонидан эгалланган билим, қўникма ва малакалар даражасини баҳолаш ўқитувчидан юксак педагогик маҳорат талаб этади. Бу муҳим вазифани амалга ошириш умумтаълим муассасаларида ўқитишнинг анъанавий методларини илғор педагогик технологиялар билан қўшиб олиб боришни тақозо этади.

Ўзбекистонда Кадрлар тайёрлашнинг Миллий дастурида таълим-тарбияни тубдан ислох қилиш илғор педагогик технологияларни жорий этиш; “Таълим беришнинг илғор педагогик технологияларини, замонавий ўқув-услубий мажмуалари яратиш ва ўқув-тарбия жараёнини дидактик жиҳатдан таъминлаш”га боғлиқлиги кўрсатилади. Педагогик технологиялар ўзи нима?

“Технология” юнонча “технос”-маҳорат, санъат ва “логос”- фан, таълимот сўзларидан ташкил топган.

“Таълим технологияси” тушунчаси тушунчаси эса луғавий жиҳатдан (инглизча “an educational technology”) таълим (ўқитиш) жараёнини юксак маҳорат, санъат

**даражасида ташкил этиш борасида маълумотлар берувчи фан** (ёки таълимот) маъносини англатади.

Педагогик технология ўз моҳиятига кўра субъектив хусусиятга эга бўлиб, яъни, ҳар бир педагог таълим-тарбия жараёнини ўз имконияти, касбий маҳоратидан келиб чиққан ҳолда ижодий ташкил этиши лозим. Қандай **шакл, метод ва воситалар** ёрдамида ташкил этилишидан қатъий назар педагогик технологиялар:

- педагогик фаолият (таълим-тарбия жараёни)нинг самарадорлигини ошириши;**
- ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасида ўзаро ҳамкорликни қарор топтириши;**
- ўқувчилар томонидан ўқув предметлари бўйича пухта билимларнинг эгалланишини таъминлаши;**
- ўқувчиларда мустақил, эркин ва ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантириши;**
- ўқувчиларнинг ўз имкониятларини рўёбга чиқара олишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиши;**
- педагогик жараёнда демократик ва инсонпарварлик ғояларининг устуворлигига эришишни кафолатлаши зарур.**

Педагогик технология ҳозирда барча педагогик касблар ҳамда таълим-тарбия жараёнини ташкил қилиш, бошқариш, назорат қилиш билан боғлиқ касбларнинг асосини ташкил қилади.

Педагогик технология-таълим-тарбия бериш бўйича кўзда тутилган мақсадга эришишни кафолатлайдиган жараён. Бу жараён маълумотларни ўзлаштириш учун қулай шакл ва усулда узатиш орқали ўқувчини мустақил ўқишга, билим олишга, фикрлашга ўргатишни кафолатлайди.

#### **Педагогик технология даражалари**

Педагогик технологияларни умумпедагогик, хусусий (ўқув фанлари) ва кичик технологиялардан иборат учта даражага ажратилади.

**Умумпедагогик технология** турли даражадаги тизимларни ифодалайди. У айрим ҳудуддаги, тумандаги, таълим муассасасидаги ёки таълимнинг айрим поғонасидаги барча таълим-тарбия жараёнига тегишли бўлади. Умумпедагогик технология ўз ҳудуди ёки таълим муассасасидаги таълим-тарбиявий мақсадлар, мазмун, воситалар, бошқарув шакли ва усуллари, ўқув-тарбия жараёни иштирокчилари фаолиятининг алгоритмларини белгилайди.

**Хусусий технология** таълим-тарбия мазмунининг айрим йўналишларини амалга ошириш усуллари ва воситалари мажмуасини ўз ичига олади. Бунда айрим фанларни ўқитиш технологиялари, раҳбарнинг, ўқитувчининг, тарбиячининг ва ўқувчининг ишлаш технологиялари киради.

**Кичик технологиялар** ўқув-тарбия жараёнининг алоҳида қисмларини ўз ичига олади. У айрим дидактик ва тарбиявий мақсадларни ҳал қилиш билан шуғулланади. Буларга дарслар технологияси, тушунчаларни шакллантириш, янги билимларни ўзлаштириш ва мустақил ишлаш технологиялари, ўқув материалларини такрорлаш, ўзлаштиришни ва тарбияланганликни назорат қилиш технологияларини ҳамда айрим тадбирларни ташкил қилиш ва амалга ошириш технологиялари киради.

#### **Педагогик технологияларнинг асосий йўналишлари**

Педагогик технологиянинг йўналишлари кўп бўлиб, улардан айримлари қуйидагилар.

**Ҳозирги анъанавий таълим** XVII асрда Я.А. Коменскийнинг дидактик тамойиллари асосида шаклланиб, ҳозирда дунёдаги мактабларда энг кўп қўлланаётган синф-дарс тизимидан иборат. Замонавий педагогик технологиялар асосан шу тизимни турли йўналишларда такомиллаштириш мақсадларида яратилиб, ҳозирда турли йўналишларда ривожланмоқда.

**Педагогик жараёни такомиллаштириш, уни ўқувчи шахсига йўналтиришга асосланган педагогик технологиялар.** Ҳамкорлик технологияси, таълимнинг инсонпарварликка асосланган технологияси ва бошқалар.

**Ўқувчи фаолиятини фаоллаштириш ва жадаллаштириш** асосидаги педагогик технологиялар. Муаммоли таълим, ўйинлар, таянч сигналлар, конспектлари технологиялари ва бошқалар.

**Ўқув материални дидактик жиҳатдан такомиллаштириш ва қайта ишлаб чиқиш** асосидаги педагогик технологиялар. Бу технологиялар ўрганилаётган билимларнинг дидактик тизими оптимал мазмунга эга бўлиши, билимларга тизимли нуқтаи назардан ёндошиш, ўқувчиларга билимларни эгаллашнинг энг мақсадга мувофиқ йўлларини ўргатиш каби тамойилларга асосланади.

**Ўқув жараёнини самарали бошқариш ва ташкил қилиш** асосидаги педагогик технологиялар. Бу технологияларга такомиллаштирилган, индивидуаллаштирилган, дастурлаштирилган таълим технологиялари, таълимнинг жамоа усули гуруҳли, компьютерли таълим технологиялари кабилар киради.

**Табиатга мувофиқлаштирилган** педагогик технологиялар. Буларга ўқувчининг табиий имкониятлари, таълим-тарбия жараёнини ташкил қилишнинг табиий имкониятлари ва бошқа табиатга мувофиқ имкониятлардан тўлиқ фойдаланишни амалга оширишга асосланган педагогик технологиялар киради.

**Ривожлантирувчи таълим** технологиялари. Буларга ўқувчи шахсининг сифатларини, айрим соҳалардаги билимларини, ижодий қобилиятларини ривожлантириш технологиялари киради.

Булардан ташқари **хусусий (ўқув фанлари)** педагогик технологиялари, альтернатив ҳамда **муаллифлик** педагогик технологиялари ҳам мавжуд.

Булардан ташқари ҳозирда педагогик технологияларнинг турли йўналишлари бор бўлиб, улардан асосийлари **эмпирик, когнитив, эвристик, креатив, интегратив, адаптив** педагогик технологиялардан иборат.

**Эмпирик**-сезги аъзолари орқали билим олиш. Бу технологияда асосий эътибор сезги аъзоларининг табиий ривожланганлик имкониятларига таянган ҳолда билим бериш ва уларни янада такомиллаштириб боришга қаратилади.

**Когнитив**-атрофдаги олам тўғрисидаги билимлар доирасини кенгайтириш технологияси. Табақалаштирувчи (билим ўрганишда таркибий қисмларга ажратиш) тафаккурни шакллантиради, билим эҳтиёжларини ривожлантиради.

**Эвристик**- йўналтирувчи таълим бериш йўли билан таълим бериш тизими. **топқирлик, фаолликни** ривожлантиришга хизмат қилувчи, **ўқув-изланиш** таълим методи. Оптималлаштирилган (кўп вариантлардан энг маъқулини, мосини, мувофиқини танлаш) тафаккурни ривожлантиради.

**Креатив**-тадқиқот характериға, хусусиятиға эға бўлиб, ўқувчиларда мақсадға йўналтирилган ижодий тафаккурни **жадал** ривожлантиради.

**Инверсион**-ахборотларни турли томондан ўрганиш, ўрнини алмаштириш хусусиятиға эға бўлиб, тафаккур (фикрлаш) тизимини ривожлантиради.

**Интегратив**-ахборотларни ташкил қилувчи чексиз кўп кичик қисмларини ўзаро ажралмас боғлиқлиги уларнинг яхлитлиги, бир бутунлиги асосида ягона тўғри хулосани аниқлаш.

**Адаптив** –ахборотларни ўрганиш ва улардан фойдаланиш жараёнини ўрганиш ҳамда ўргатиш учун қулайлаштириш, мослаштириш асосида кутилган натижаға зришиш.

**Инклюзив**-ўқитувчи билан ўқувчининг ўзаро муносабатларида тенглик асосида таълим-тарбия жараёнини ташкил қилиш.

**Педагогик технология билан методика орасидаги айрим фарқлар.**


**Методика**- бирор ишни мақсадға мувофиқ ўтказиш методлари, йўллари мажмуаси. Алоҳида методикаларни ташкил қилади. Педагогика фани соҳасида маълум ўқув фанини ўқитиш қонуниятларини тадқиқ қилади. Масалан, тиллар методикаси, арифметика методикаси ва шу кабилар. Методиканинг педагогик технологиядан фарқини тушуниш ва амалда ҳар иккисидан унумли фойдалана билиш талаб қилинади. Улар орасидаги фарқлар қуйидагича.

### Педагогик технология билан методика орасидаги айрим фарқлар.

| Асосий тушунчалар              | Педагогик технология                                                                                                                                                                                                                                                                                                                     | Методика                                                                                                                                                                                                                                                                                                                               |
|--------------------------------|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| <b>Таърифлар</b>               | Педагогик технология-инсонга олдиндан белгиланган мақсад бўйича таълим-тарбиявий таъсир ўтказиш фаолиятидан иборат                                                                                                                                                                                                                       | Методика-маълум ўқув фанини ўқитиш ҳамда тарбиявий ишлар қонуниятларини тадқиқ қилувчи фанлар                                                                                                                                                                                                                                          |
| <b>Мақсад</b>                  | Комил инсонни шакллантириш                                                                                                                                                                                                                                                                                                               | Алоҳида ўқув фанларини ўқитиш ҳамда тарбиявий ишларнинг юқори сифатда бўлишини таъминлаш                                                                                                                                                                                                                                               |
| <b>Қўллаш миқёси</b>           | Барча таълим-тарбия жараёнида                                                                                                                                                                                                                                                                                                            | Хусусий фанларни ўқитиш ҳамда тарбиявий ишларнинг юқори сифатда бўлишини таъминлаш                                                                                                                                                                                                                                                     |
| <b>Воситалар</b>               | Барча таълим-тарбиявий воситалар, хусусий методикалар                                                                                                                                                                                                                                                                                    | Алоҳида ўқув фанларини ўқитишда ҳамда тарбиявий ишларда қўлланиладиган воситалар                                                                                                                                                                                                                                                       |
| <b>Педагогик жараён</b>        | Таълим ва тарбия технологияси асосида Таълим менежменти ва маркетинги Педагогик технология билан методика орасидаги айрим фарқлар. Таълим-тарбия соҳасидаги энг илғор тажрибларни умумлаштирувчи лойиҳалар асосида ривожланиб боради. Етарли мутахассисликка эга.Мутахассислар томонидан қўлланганда ўзаро ўхшаш натижалар таъминланади. | Таълим-тарбия методикаси асосида ижодкор ўқитувчиларнинг илғор тажрибалари асосида ривожланади. Хусусий тажрибалар асосида бойитиб борилади. БИР муаллифнинг илғор педагогик тажрибасини ҳамма педагоглар айнан қўллай олмайдилар. Бундан эса натижалар ҳар кимда ҳар хил бўлади. Педагогик технологиянинг таркибий қисми ҳисобланади. |
| <b>Таркибий тузилиши</b>       | Мунтазам тизимни ташкил қилувчи модулларга эга                                                                                                                                                                                                                                                                                           | Модуллар ўқитувчининг касбий тайёргарлик даражасига мувофиқ ўзгарувчан                                                                                                                                                                                                                                                                 |
| <b>Амага ошириш босқичлари</b> | Мунтазам алгоритмлар тизимига мувофиқ амалга оширилади                                                                                                                                                                                                                                                                                   | Алгоритмлар ўқитувчининг индивидуал ишлаш усулига мувофиқ ўзгарувчан                                                                                                                                                                                                                                                                   |
| <b>Келиб чиқиши</b>            | Хусусий методикаларнинг ривожланиши натижасида келиб чиққан                                                                                                                                                                                                                                                                              | Таълим-тарбиянинг турли хусусий масалаларини ҳал қилиш зарурати натижасида келиб чиққан                                                                                                                                                                                                                                                |
| <b>Натижа кафолати</b>         | Олдиндан белгиланган мақсадга эришиш кафолати бор                                                                                                                                                                                                                                                                                        | Олдиндан белгиланган мақсадга ҳар бир ўқитувчи ўз имкониялирига мувофиқ турли даражада эришади. Шу сабабли талаб даражасидаги натижа кафолатланмайди. Асосан ижодкор ўқитувчиларгина яхши натижага эришадилар                                                                                                                          |

### Педагогик технологиянинг асосий таркибий қисмлари

|                             |
|-----------------------------|
| <b>Педагогик технология</b> |
|-----------------------------|



### Педагогик мотивлар

Педагогик технология ўз вазифаси бўлган ижтимоий буюртмани бажариб, жамият, ота-она, ўқитувчи, ўқитувчининг эҳтиёж, манфаат, мақсадларига мувофиқ бўлган мотивларини қондиришга хизмат қилади



## 2. Таълим жараёнини фаоллаштириш ва жадаллаштиришга йўналтирилган педагогик технологияларнинг мақсад ва вазифалари

Маълумки, ҳар қандай технология таълимнинг янги мазмунини шакллантирувчи таълим тамойилларига асосланади ва таълим олувчи шахсини тарбиялаш, унда меҳнат ва муайян йўналишларда касбий кўникмаларни ҳосил қилишга йўналтирилади. Таълим жараёнининг фаол субъектлари ўқитувчи ва ўқувчилар бўлиб, уларнинг ҳамкорликдаги фаолиятлари муайян мавзу (ёки фанлар асослари) бўйича кам куч ва вақт сарфланган ҳолда назарий ва амалий билимларни чуқур ўзлаштириш имконини берувчи жараённинг умумий моҳиятини тавсифлайди.

Ўқитувчининг фаол, самарали фаолият кўрсатишига йўналтирилган таълим жараёнининг методик ишланмасидан фарқли равишда, **таълим жараёнини фаоллаштириш ва жадаллаштиришга йўналтирилган педагогик технологиялари** таълим олувчиларга қаратилади, шунингдек, уларнинг шахсий ва ўқитувчи билан биргаликдаги фаолиятини ҳисобга олган ҳолда ўқув материали ўзлаштиришга шароит яратади, таълим-тарбияси бутун машғулоти давомида ўқувчиларнинг **фаоллиги ва кизиқувчанлигини** мунтазам равишда ривожлантириб бориш мақсадини кўзда тутаяди, ўқув омиллари яратишга асосланган педагогик технология талабларини ўқув ёки ишлаб чиқариш фаолиятига тезкор жалб қилиш имконини беради. Акс ҳолда, заиф, етарли даражада тушунарли бўлмаган ёки аниқ натижани кўзланмаган топшириқлар машғулотининг самарасиз яқунланишига олиб келиши мумкин.

Бугунги кунда бир қатор ривожланган мамлакатларда ўқувчиларнинг ўқув ва ижодий **фаолликларини** оширувчи ҳамда таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини кафолатловчи педагогик технологияларни қўллаш борасида катта тажриба қўлланган бўлиб, ушбу тажриба асосларини ташкил этувчи методлар интерфаол методлар номи билан юритилмоқда.

**Асосий мақсад:** Республикамизнинг таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган ёш истиқболли педагог ходимларга замонавий педагогик технологиялар ва интерфаол усулларни ўргатиш, педагогика ва психология фанларига оид билимларини янада мустаҳкамлаш ва олган билимларини ўқув-тарбия жараёнига қўллай олишларига эришиш, шунингдек, уларга педагогик маҳорат сирларини очиқ бериш, педагогик ва ахборот технологияларни амалиётга жорий этишда педагог-ўқитувчиларнинг касбий малакаси ва маҳоратини оширишга амалий ёрдам кўрсатиш.

Демак, ”Таълим жараёнини фаоллаштириш ва жадаллаштиришга йўналтирилган педагогик технологиялар”ни қўллашдан мақсад:

\*бўлажак мутахассисларни мавжуд педагогик қонуниятлар ва аниқ шарт-шароитга, асосан таълим-тарбия жараёнини лойиҳалаш самарали метод ва воситаларни танлашга ўргатишдан иборат.

### **Замонавий педагогик технологияларнинг вазифаси**

**\*бўлажак ўқитувчиларга педагогик технология, ривожланган мамлакатлар илғор педагогик технологияси. Ўзбекистонда “Кадрлар тайёрлашнинг Миллий дастури”ни амалга ошириш тажрибалари ҳақида назарий билим бериш:**

**\*педагогик жараёни лойиҳалаш:**

**\*таълим-тарбия мақсади, мазмунини ва оптимал методларини қўллаш кўникма ва малакаларини шакллантириш:**

**\*педагогик диагностика қобилиятини ўстиришдан иборат.**

Таълим жараёнини фаоллаштириш ва жадаллаштиришга йўналтирилган педагогик технологияларнинг ўзига хослиги шундаки, улар фақат педагог ва ўқитувчиларнинг биргаликда фаолият кўрсатиши орқали амалга оширилади.

Бундай педагогик ҳамкорлик жараёни ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, уларга: -ўқувчининг дарс давомида бефарқ бўлмасликка, мустақил фикрлаш, ижод қилиш ва изланишга жалб этилиши;

-ўқувчиларнинг ўқув жараёнида фанга бўлган қизиқишларини доимийлигини таъминланиши;

-ўқувчиларнинг фанга бўлган қизиқишларини мустақил равишда ҳар бир масалага ижодий ёндошган ҳолда кучайтирилиши;

-педагог ва ўқувчиларнинг ҳамкорликдаги фаолиятини доимий равишда ташкил этишлари киради.

Замонавий педагогик технология ўқув мақсадини аниқлаш ва таълим жараёнини лойиҳалашда қуйидагилар назарда тутилади:

**\*ўқувчининг фаоллигини ошириш, уни ҳамкорликка чорлаш;**

**\*ўқув режасида кўзда тутилган ўқув фанлари бўйича дастурлар, дарсликлар, ўқув қўлланмалари, маъруза матнлари билан ишлаш кўникмаларини ҳосил қилиш;**

**\*ўқув материалларини мустақил мутоалаа қилиш кўникма ва малакаларини шакллантириш;**

**\*ўқувчини ўз фикрини баён қила олиш, ҳимоялаш, исботлай олишга одатлантириш;**

Ўқувчи шахси, унинг мустақил билиш фаолияти таълим жараёнида ривожланиб бориши туфайли таълим методларини такомиллаштиришга эҳтиёж туғилади. Шу тариқа таълим жараёнини мазмунан умумлаштириш концепцияси, таълимни алгоритмлаштириш, муаммоли таълим, ақлий фаолиятни босқичлаб шакллантириш назарияси, таълимда ҳамкорлик фаолияти, каби ғоялар юзага келади. Бу ҳол авторитар педагогика ўз ўрнини ҳамкорлик педагогикасига беришини тақозо этади. Энди ўқитувчи ўқувчининг раҳномоси, энг яқин одами, ҳамдарди. Шунинг учун ҳам таълим жараёнига педагогик технологиялар, интерфаол методлар жадал суратлар билан кириб бормокда.

Таълимда интерфаол метод- бу ўқувчи билан ўқитувчи ўртасида таълимни ўзлаштириш муносабатларини янада **кучайтириш, фаоллаштириш** демакдир.

Педагогик технология таълим тизимида мазмунан унга тегишли бўлган дастурлар, дарсликлар ва ўқув қўлланмалар, кўргазмалар қурооллар ва техник воситаларни умумлаштириш жараёнидир.

Ўқувчиларда ҳиссиёт динамикасини мақсадга мувофиқ равишда йўналтирувчи миллий истиқлол ғоясини ўзлаштиришга ундовчи турли адабий кечалар, учрашувлар ташкил қилиш, у ёки бу даврдаги иштирокчилар **фаоллигини** оширишга хизмат қилувчи барча таълимий ва тарбиявий методлардан оқилона фойдаланиш билим самарадорлигини оширишнинг муҳим омилдир. Ўқувчиларни бошланғич синфларданоқ интерфаол педагогик технологияларнинг улар ёшига мос элементларини қўллаб дарсларни ташкил этиш **ўқув жараёнини фаоллаштириш ва жадаллаштириш**да катта ижобий натижалар бераётганини кўрсатади.

Интерфаол педагогик технологиялар асосида ташкил этилган дарсларнинг афзалликлари шундан иборатки, бундай дарслар тизими тафаккурни чархлайдиган, Ватанга чексиз муҳаббат, садоқатни, фуқаролик ахлоқи ва демократик маданиятни шакллантирувчи фан асоси бўлиб хизмат қилади. Фанларни ўқитишда **“Гуруҳлар билан ишлаш”, “Мунозара”, “Муаммоли ўқитиш”, “Ақлий ҳужум”** каби методлар, шунингдек жадваллар билан ишлаш, мустақил фикрни ифодаладиган ёзма ишлар, иншолар ёзиш ўқувчилар **фаоллигини** оширади. Бу методлар асосида олиб борилган ана шундай дарслар вақт тежамкорлиги билан бирга, янги билимларни ўқувчига етказиб беради, шунинг билан бирга болани ўйлантирадиган, чуқур мушоҳадага ундайдиган, бутун диққат эътиборини ўзига жалб қила оладиган, муаммоли вазиятлар, баҳс-тортишувларда тўғри хулосалар билан вазиятдан чиройли чиқиб кета оладиган ва олган билимларини бошқа мавзулар билан боғлаб, умумлаштирадиган шароитга эга бўлади.

**Ўқув жараёнида ўқувчилар фаоллигини оширувчи ўқитиш методларидан бири “Кичик гуруҳларда ишлаш”** методидир. Бунда ўқувчилар кичик гуруҳларга бўлиниб ишлайдилар ва бу жараёнда ҳар бир гуруҳ бир-биридан ўрганишга, ўрганганларини ўз

салоҳиятлари доирасида баҳолашга, турли вазиятларда билимларни кадрлаб, хулоса чиқаришларига имкон яратилади.

Ушбу методни қуйидагича қўллаш мумкин:

1. Фаолият йўналиши аниқланади. Муаммодан бир-бирига боғлиқ бўлган масалалар бепгиланади.

2. Керакли асос яратилади. Ўқувчилар мазкур муаммо ҳақида тушунчага эга бўлишлари керак (таълимнинг бу методида рангли, лавҳали суратлар, мавзуга оид 5-6 минутлик экранлаштирилган ҳужжатли фильмлар намойиш этилиб, қалтис вазиятларда “Шу ҳолатда мен нима қила олар эдим?”, “Нима қилмоқ тўғри бўларди?” каби).

3. Гуруҳлар белгиланади. Ўқувчилар гуруҳларга 5-6 кишидан қилиб бўлинади. Аниқ кўрсатма, топшириқ бўйича ишга киришилади.

4. Ўқитувчи ҳар бир гуруҳ фаолиятини қўллаб-қувватлаб, йўналтириб туради.

5. Дарс якуни муҳокама қилинади, ўқувчилар баҳоланади, рағбатлантирилади.

**Мунозара** методида эса ҳар бир ўқувчи муаммоли масала устида ишлайди. Гуруҳ қатнашчиларининг ҳар бир аъзоси ўз фикрини эркин айтиш имконияти шароити яратиб берилиши керак. Сўнг қатнашчилар билдирган фикр ва муносабатлар гуруҳлаштирилиб, таҳлил қилинади.

**“Ақлий ҳужум”** бирор муаммони ечишда иштирокчилар томонидан билдириладиган эркин фикр ва мулоҳазаларни тўплаб, улар орқали маълум ечимга келинадиган энг самарали методдир.

Бу метод орқали шахсни ижодий-техник қобилиятини ўстириш, ривожлантириш, уларнинг ўқув-билиш фаолиятини **фаоллаштириш** мумкин. Бунинг учун иштирокчиларга, ҳақиқатдан йироқ бўлган таклифларни қабул қилсалар ҳам, ижодий ёндошишлари учун ёрдам берилади; ҳамма фикр ва таклифлар, улар қанчалик ғайриоддий туюлмасин, ёзиб борилади; вақт белгиланади, бир-бирлари билан ишлаб чиққан таклифлар ўртоқлашади. Бу методни қўллаш ривожланган давлатларда яхши натижалар берган.

Ўқув жараёнида инсонпарварлик тамойилига мос энг илғор замонавий технологиялар, яъни **изланиш, ишчан ўйинлар, “Гуруҳли баҳс”** каби методлардан моҳирлик билан фойдаланиш ўз самарасини беради. Масалан, адабиёт дарсларида ижодий ўқиш методи таркибида ўқитувчининг ифодали ўқиши, ўқувчиларнинг ифодали ўқиши, таққослаш, бадий идрок этиш усуллари қўлланилади ва у **эвристик** суҳбат билан алоқада олиб борилади. Репродуктив метод эса ўқитувчининг ахбороти, билимларни ўқувчиларга етказишда муаммоли вазиятлар яратиб, уларни ижодкорликка, мустақил фикрлашга йўналтиришда юқори натижа беради. Бунда ўқувчилар асарларни таҳлил этишда **индуктив** ва **дедуктив** метод, яъни оддийдан мураккабга ва аксинча, мураккаб вазиятлардан оддийга қараб борилади.

Энг аввало, ўқитувчи ўқувчиларнинг қизиқишларини ошириш учун дарсларнинг мазмун ва сифатига эътибор беради. Бунинг учун болаларни фикрлашга, уларни **фаоллаштиришга** ҳаракат қилади. Ўқувчини тайёр билим қабул қилувчи эмас, балки синфда **ўқув жараёнининг фаол иштирокчисига** айлантириш учун мунозара қилишга йўллайди.

Масалан, 6-синфда **“Туб феъл, ясама феъл, қўшма феъл”** мавзусини ўтишда аввал учта диопозитивни диопроекторда намойиш қилиш мумкин.

1- диопозитивда пахтазор, теримчилар:

2- диопозитивда тахта рандалаётган бола:

3- диопозитивда ўғил бола эшик очиб, қиз болага йўл бераяпти.

Ўқитувчи ўқувчиларни уч гуруҳга бўлиб, ана шу тасвирларга қараб қисқача матн тузишни топширади. Ўқувчилар, албатта ижодий фикрлаш асосида матн тузадилар.

**Ўқув жараёнида педагогик технологиялардан фойдаланиш таълим самарадорлигини оширишга хизмат қилади.**

### **3. Ўқув материалининг белгили моделлари асосида таълимни жадаллаштириш технологияси**

Россия Таълим академиясининг академиги, Донецк очик университети профессори Виктор Фёдорович Шаталов ўқитишнинг жадаллаштириш технологиясини ишлаб чиқди ва мактаб мактаб амалиётига тадбиқ этиб, анъанавий синф-дарс тизимининг очилмаган қирраларини кашф этди.

Бу технологияда:

#### **Таълим мақсадлари:**

- \*Билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш.
- \*Хар қандай индивидуал қобилиятли болаларнинг барчасини ўқитиш.
- \*Тезлашган ўқитиш (умумий ўрта таълим ҳажмини 9 йилда ўқитиш).

#### **Принциплари:**

- \* кўп марта такрорлаш, мажбурий босқичли назорат, йирик блоклар билан ўрганиш; фаолиятнинг динамик яхлитлиги, тачнч сигналлар, ҳаракатларнинг мўлжалли асослари ;
- \*шахсга йўналтирилган ёндошув;
- \*инсонпарварлик (барча болалар иқтидорли);
- \*ўқув вазиятларининг тафовутсизлиги, тузатиш учун истиқболларнинг очиклиги, муваффақиятнинг ўсиб бориши;
- \*таълим-тарбиянинг узвийлиги.

#### **Мазмуннинг ўзига хос жиҳатлари:**

- \* Ўқув материали йирик ҳажмда киритилади.
- \* Материал блоклар бўйича жойлаштирилади.
- \* Ўқув материали таянч схема-конспект кўринишида чизмавийлаштирилади.

В.Ф. Шаталов технологиясининг асосий ғояси: дарсда ўқувчиларнинг ялпи фаоллигини таъминлайдиган ўқув фаолияти тизими яратилади. Ўқув фаолиятининг андазаси асосида таянч конспектлари (сигналлари) – ўқув материалининг кодлаштирилган кўрсатмали чизмалари ётади.

**Таянч-** мўлжалли ҳаракатлар асоси, боланинг ички ақлий фаолиятини ташқи кўринишида ташкил этиш усули.

**Таянч сигнал** – ассоциатив рамз (белги, сўз, чизма, расм, шакл ва бошқа) бўлиб, маълум фикрий маънони билдиради.

**Таянч конспект-** қисқача шартли матн кўринишидаги таянчли сигналлар тизими бўлиб, яхлит ўқув материалининг ўзаро боғлиқ элементлари сифатида тушунчалар, фактлар, ғоялар тизимининг кўрсатмали конструкциясини ўзида акс эттиради.

Бу технологияда ўқитувчи меҳнати асосий мавқени эгаллайди ва бу меҳнатга ўқувчилар айрим ҳоллардагина (назорат, маслаҳат, ёрдам) жалб этилади. Таянч сигналлари ёрдамида ўқитиш жараёни қатор босқичлардан иборат:


1. **Синфда ўқитиш:** мавзу ўқитувчи томонидан одатдагидек синф доскаси ёнида (бўр, латта ёрдамида) тушунтирилади, кейин эса таянч конспектлар асосида мавзунини тушунтириш такрорланади, ўқувчиларнинг ўз конспектлари устида мустақил ишлаши таъминланади ва фронтал тарзда билимлар мустаҳкамланади.

2. **Уйда мустақил ишлаш:** таянч конспектидаги кодлаштирилган ўқув материалларини ўқувчи дарслик ёрдамида ойдинлаштирилади.

3. **Нazorat ва баҳолаш:** мавзу бўйича ўқувчининг билим, кўникма ва малакалари ташқи назорат ва ўз-ўзини назорат қилиш ёрдамида текширилади. Назорат шакли: таянч конспекти бўйича ёзма, мустақил иш, оғзаки сўров: жуфтли ўзаро назорат, гуруҳли ўзаро назорат:

Муаллифнинг бой тажрибаси –“**таянч сигналлари варақаси**” асосида ташкил этилган ўқув билиш фаолияти ўқувчиларнинг юқори кўрсаткичга эришишини шубҳасиз таъминлайди. Ўқувчи олган баҳо билимларни ҳисобга олиш варақасида қайд этилади ва у хоҳлаган вақтда қайта тайёрланиб, ўз баҳосини тузатиши мумкин. Демак, бу технология

очиқ истиқболли принципни таъминлаган ҳолда ўқитувчи ва ўқитувчи ўртасида низо туғдирмайди.



#### 4. Таълим жараёнини фаоллаштириш ва жадаллаштиришда ахборот технологияларидан фойдаланиш йўллари

Компьютер техникасининг пайдо бўлиши ва унинг қўлланиши фан ва техниканинг кўп соҳаларида катта бурилиш ясади. Олинган маълумотларни тез ва қайта ишлаш инсоният меҳнат фаолиятининг натижасига тўғридан-тўғри таъсир этади. Шунинг учун ҳам компьютерларни ишлаб чиқариш, унга бўлган эҳтиёж кундан кунга ўсмоқда.

Ўқув жараёнини **жадаллаштириш**-самарадор техник воситаларни, компьютер воситалари ва илмий-техник тараққиётнинг охириги ютуқларини ўқув-тарбия жараёнида қўллаб, ўқувчи ва ўқитувчининг дарс жараёнида қилган меҳнати миқдорини кучайтириш ва кўпайтиришдан иборат.

Ўқув жараёнини **жадаллаштириш** ўзининг объектив ва субъектив қонуниятларига эга ва ўзига хос воситалар орқали амалга оширилади. Ўқувчининг мустақил билиш фаолиятини қайтаришга асосланган усулга ўтказувчи ва бошқарувчи каби ҳаракат қиладиган билиш фаолиятини **фаоллаштирадиган** механизмнинг таркибий қисми айнан ушбу воситалар ҳисобланади.

Компьютер ўқувчиларнинг билиш фаолиятини **фаоллаштиради**, чунки замонавий компьютерлар кўргазмалиликни (катта имкониятини очади), яъни кўришни эшитиш билан қўшишни, мультипликация ишлатиш ва бошқа имкониятларни беради.

Компьютер ўқув жараёнида тўртта тартибда ишлаши мумкин: **пассив қўллаш, реактив мулоқот, фаол мулоқот ва интерфаол мулоқот.**

**Биринчи тартибда** компьютер оддий ҳисобловчи қурилма сифатида, яъни ҳисоблаш жараёнини **тезлаштириш** учун фойдаланилади. Бундай қўллаш ҳисобланиши керак бўлган масалалар жуда оғир бўлган ҳоллардагина фойдалидир. Пассив тизимларга шунингдек, қўлловчининг хоҳишидаги сўроқларга қисқача маълумот бера оладиган автоматлаштирилган маълумот омборлари ҳам ҳосил бўла олади.

**Реактив мулоқот тартиби** педагогик нуктаи назардан самаралироқдир. У автоматлаштиришгача олиб борилиши керак бўлган кўникмалар ҳосил қилишда

керакдир. Юқорида келтирилган икки тартибни ўз ичига олган учинчи тартиб-**фаол мулоқот** тартиби қизиқарлироқдир. Бунда ўқувчи компьютерни ҳисоблаш қурилмаси сифатида қўллаши мумкин, ундан турли туман йўл-йўриқ олиши мумкин, компьютер эса ўз навбатида, ўқувчига масала ва савол қўяди, уни баҳолайди. Мулоқот охирида компьютер ўқувчига назорат пайтида билмаган билимларни чуқурроқ ўрганишга қаратилган методик кўрсатмалар беради.

**Тўртинчи тартиб бўлган – интерфаол мулоқот** сунъий интеллект яратиш борасида қўйилган қадамдир. Бу тартибда компьютер, ўқувчи ва ўқитувчи билан тенг ҳуқуқда мулоқот олиб борадиган ҳамсуҳбат жиҳатдан янги **“ўқитувчи-компьютер -ўқувчи”** тизимига кириб, компьютер талабига жавоб беради, қийин вазиятларда ёрдамга келади, ўқитувчига ёрдамга мурожаат қилади ваҳаказо.

Юқорида саналган тўртта мулоқот тартиблари ўқув жараёнида ўтиладиган предметларни ўзаро алоқадорлигини амалга оширишга имконият беради. Хуллас, компьютер ўқитиш жараёнини етарлича енгиллаштирадиган восита бўлиб, ўқув-тарбия жараёнини **жадаллаштиради**.

**Ўқув-тарбия жараёнини жадаллаштириш** учун ўқитувчи-ўқувчи-компьютер учлигининг ўқув фаолиятидаги ўрни ва босқичларини таҳлил қилиш зарур. Бу босқичлар қизиқиш уйғотиш, қабул қилиш, тушуниш, ўзлаштириш, билимларни мустақамлаш, эслаш, долзарблаштириш, амалда қўллашлардан иборатдир. Бу босқичларда таълим олиш (ўқувчи томонидан) усуллари ва шунингдек, турли компьютер воситалари қиради.

**Компьютер ўқув-тарбия жараёнида қуйидагича қўлланиши мумкин.**

| <b>Ўқув жараёнининг босқичлари</b> | <b>Асосий усуллар</b>                               |                                                      |
|------------------------------------|-----------------------------------------------------|------------------------------------------------------|
|                                    | <b>Таълим бериш</b>                                 | <b>Таълим олиш</b>                                   |
| 1                                  | 2                                                   | 3                                                    |
| Қизиқиш уйғотиш                    | <u>Хабар бериш, химоя қилиш, маъруза</u>            | <u>Эшитиш, кузатиш, ўйлаш</u>                        |
| Қабул қилиш                        | <u>Тушунтириш, Намойиш қилиш</u>                    | <u>Эшитиш, кузатиш, ўйлаш</u>                        |
| Тушуниш                            | <u>Кузатиш, суҳбат, саволлар кўрсатмалар</u>        | Кузатиш, тажрибалар ўтказиш, фикрлаш                 |
| Ўзлаштириш                         | <u>КУзатиш, сўраш, тушунтириш</u>                   | Такрорлаш, машқлар бажариш, тажрибалар ўтказиш       |
| Назорат қилиш (Текшириш)           | <u>Суҳбат, йўналтирувчи саволлар</u>                | Масалалар ечиш, машқ ва лаборатория ишларини бажариш |
| Эслаш                              | <u>Суҳбат ўтказиш, йўналтирилган саволлар бериш</u> | Хотирага олиш, тажрибалар ўтказиш                    |
| Амалда қўллаш                      | <u>Суҳбат ўтказиш, йўналтирилган саволлар бериш</u> | Хотирага олиш, тажрибалар ўтказиш                    |

**Ўқув жараёнида ўқитувчининг вазифалари қуйидагилардан иборат:**

ўқувчиларга билимлар тизимини бериш: ўқувчиларни илмий равишда фикрлашга (мулоҳаза қилишга), изчиллик билан, асосланган, қатъий ва объектив мулоҳаза қилишга ўргатиш; ўқувчиларни уларнинг фикрлари ва таъкидлари тўғрилигини мустақил равишда исботлаш ва асослай олиш, малакаларини ривожлантириш ва шакллантириш; абстраккциялаш ва аниқлаштиришга қобилиятли қилишга, ўзига масала қўйиш ва уларни ҳал қилиш йўлларини қидира олишга, ўзининг фикри ва

бошқаларнинг фикрини текшира олиш ва баҳолай олишга, тезда фикрлай олишга ўргатиш; ўқувчиларнинг нутқини ривожлантириш, уларни ўз фикрларини саводли ва мантиқан тўғри баён қилишга ўргатиш ва бошқалардир.

Ушбу сифатларни ўқитувчи, аввало ўзининг шахсий мисолида ривожлантиради. У фикрлаш жараёнини таҳлил ва синтез қилиб, таққослаш ва гуруҳларга ажратишдан фойдаланиб, билимларни тизимларга солиш йўллари билан бошқаради; умумлаштириш ва абстрактлаштириш йўлини кўрсатади. Ўқитувчи диққат ва хотиранинг барча хусусиятларини ҳисобга олиб, бажарилиши керак бўлган масалани ҳал қилиш кераклигини тушунтиришни тахминлайди. У масалаларнинг натижаларига қизиқиш уйғотади; диққатларини **фаоллаштиради ва тушунишни енгиллаштиради.**

## **5. Таълим жараёнини жадаллаштириш ва фаоллаштиришга йўналтирилган педагогик технологияларда интерфаол методлардан фойдаланиш мезонлари**

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да таълим тизимида педагогик технологияларни қўллаш ва ўзлаштириш зарурлиги таъкидланади.

**Педагогик технология** - ўқув жараёнини технологиялаштиришнинг бутунлигича аниқловчи тизимли категориядир.

**Интерфаол дегани бу - ўқитувчи ва ўқувчиларни ўзаро ҳамкорлиги асосида дарс самарадорлигини ошириш, ўқувчиларда мустақил фикрлаш, фикр-мулоҳаза юритиш, мунособат билдириш кўникмасини шакллантириш** демакдир. Бу усулда ўқувчи ўзи фаол иштирок этган ҳолда, якка, жуфтликда гуруҳларда **муаммо ва саволларга жавоб топишга ҳаракат қилади, фикрлайди, баҳолайди, ёзади, сўзга чиқади, далил ҳамда асослар орқали қўйилган масалани ёритиб беришга** ҳаракат қилади. Бу эса ўқувчиларнинг хотирасида узоқ сақланади. Янги мавзу (ахборот) ўзлаштиришда танқидий, таҳлилий ёндошилади. Ўқитувчи фақат **фасилитатор** (йўл-йўриқ кўрсатувчи, ташкил қилувчи, кузатувчи) вазифасини бажаради.

Ҳар бир дарс турининг педагогик мақсадларига эришиш учун ўқитувчи ўзининг интеллектуал салоҳиятини сафарбар этиши, илғор педагогик тажрибадан фойдаланиши ва ниҳоят, методни танлаш ҳақиқий ижодий актга айланиши лозим.

Ўқитувчининг янги мавзуга тайёргарлик кўришида методлар ва методик усулларни танлаш –бу уларнинг ўзаро алмашинувини (чоғиштиришни) вақт ва дидактик мақсад бўйича мувофиқлаштириш демакдир. Натижада ўқувчиларнинг ақлий ва амалий фаолиятининг юқори даражасини яратишга шароит яратилади. Тўғри қўлланилган методлар объектив воқеликка оид билимларни чуқурлаштиради ва яхлит ҳолда машғулотнинг илмий-назарий даражасини оширади. Кетма-кет сараланган ўқитиш методлари маълум даражада билиш ва касбий қизиқишни ривожлантиришга, мустақил амалий фаолиятни **фаоллаштиришга** олиб келади.

Ўқитиш фаолиятининг ҳар қандай актида ҳар доим бир нечта методлар чоғиштирилади, улар педогог ва ўқувчининг бир хилдаги ўзаро ҳаракатларини турли томондан тавсифланган ҳолда бир-бири билан сингишиб кетади, чунки ўқитиш методлари мақсадга мувофиқли ва мазмунли фаолиятдан ташқарида мавжуд эмас. Бундай пайтда фақат оғзаки, ёки фақат изланувчан, ёки фақат дедуктив метод қўлланилади, дейиш мумкин эмас. Аслида бу методлар ўқитишнинг муайян актида жамулжам чоғиштирилади ва агар, гарчи, биз ҳозирги ҳолатда муайян методни қўллаш тўғрисида гапирар эканмиз, бу-биринчи навбатда (бошқа методлар ёрдамида) ўқитишнинг ҳозирги босқичи учун устун бўлган дидактик вазифаларни ечади, деган фикрни англатади.

Масалан: мавзу мазмунининг имкониятларини ҳисобга олиб бош вазифа **ўқув-билиш фаолияти** кўникмаларини шакллантириш, ўқишда мустақилликни ривожлантириш бўлса, унда биз биринчи галда бошқа методлар ёрдамида жорий этиладиган **эвристик** (изланувчанлик) методларини қўллаймиз.

Интерфаол метод нечоғлик ўқитишнинг муайян актини тавсифласа, у шунчалик кўп ўқитиш самарасини таъминлайди. Масалан, педагог асосий метод сифатида “мунозара”ни танлайди ва уни ўтказиш мантиқини куради, шунингдек мунозара давомида ўқувчиларнинг фикрлаш қобилиятини ривожлантириш учун “ақлий ҳужум” дан фойдаланади, бу эса кутилган самарани беради.

Интерфаол ўқитиш методларларини танлашнинг кейинги муҳим шарти уларни энг мақбул чоғиштириш мезонларини ҳисобга олишни тақазо этади.

Интерфаол методларни танлаш мезони уларнинг таълим-тарбия ривожлантириш масалаларини ечишга юқори йўналганлигидир. Бу мезон турли хил методларнинг у ёки бу доирадаги вазифаларини ечиш имкониятларини баҳолаш йўли билан жорий этилади, чунки ижтимоий тажриба элементларини ўзлаштиришда уларнинг имкониятлари турличадир.

Интерфаол методларнинг барчаси ўқувчиларнинг фикрлаш мустақиллигини таъминлайди, ўқитишда бир қопиликни ва андозаликни йўқотади, ўқув материалларини эгаллашда назарий билимларнинг ролини бирмунча оширади.

2. Интерфаол методларни танлашнинг навбатдаги мезони уларнинг таълим **мазмун**и **хусусиятларига мос келишидир. Метод мазмунининг ҳаракатланиш** шакли (Гегель) сифатида ҳам аниқланади. Бир метод ёрдамида мавзуни тўлароқ очиб берилса, бошқаси уни ижодий ўзлаштиришга имкон тўғдиради, учинчиси - бу мазмун учун яроқсиз бўлиши мумкин.

Ушбу чизма ҳар бир интерфаол методнинг муайян мазмун турини ўзлаштиришдаги ролини кўрсатади

#### **Интерфаол методларнинг ўқувчи шахс сифатларига таъсири**

| №  | Интерфаол ўқитиш методлари | Шакллантириш       |                   |                                   | Ривожлантириш            |                                            |                                  |         |                             |
|----|----------------------------|--------------------|-------------------|-----------------------------------|--------------------------|--------------------------------------------|----------------------------------|---------|-----------------------------|
|    |                            | Назарий билимларни | Фактик билимларни | Ақлий - меҳнат кўник - малар - ни | Абстракт - тафаккур - ни | Кўр - газма - ли тим - солли тафаккур - ни | Тафаккур - лаш мустақилли - гини | Нутқини | Билиш - га қизиқ - киш - ни |
| 1  | Ақлий ҳужум                | +                  | +                 | -                                 | +                        | -                                          | +                                | +       | -                           |
| 2  | Ажурли арра                | +                  | +                 | +                                 | +                        | +                                          | +                                | +       | +                           |
| 3  | Мунозара                   | +                  | +                 | -                                 | +                        | -                                          | +                                | +       | +                           |
| 4  | Ўз ўрнингни - топ          | -                  | +                 | -                                 | +                        | +                                          | +                                | -       | -                           |
| 5  | Дебат                      | +                  | +                 | +                                 | +                        | +                                          | +                                | +       | +                           |
| 6  | Меню                       | +                  | +                 | +                                 | +                        | +                                          | +                                | -       | +                           |
| 7  | Танқидий Фикрлаш           | +                  | +                 | +                                 | +                        | -                                          | +                                | +       | +                           |
| 8  | Кичик гуруҳларда ишлаш     | +                  | +                 | +                                 | -                        | +                                          | +                                | +       | +                           |
| 9  | Кластер                    | +                  | +                 | +                                 | +                        | +                                          | +                                | -       | +                           |
| 10 | Синквейн                   | +                  | +                 | +                                 | +                        | +                                          | +                                | -       | +                           |

Изоҳ: +!- масалани бирмунча муваффақиятли ечади; +- масалани асосли ечади; +-- масалани бирмунча заиф ечади; -- масалани еча олмайди.

Интерфаол методларнинг **рўёбга чиқариш** шакллари **жорий этиш воситалари** каби турлича бўлиши мумкин. Масалан, **аклий ҳужум, танқидий фикрлаш, ажурли арра, менюлар** оғзаки сўз, дарслик ўқиш, кино ёки телевидение, бошқа тасвирий воситалар орқали амалга оширилса, **кластер, синквейн, ўз ўрнигини топ** каби методлар ўқитувчининг олдиндан кўрсатиб берган фаолият усулларини такрорлашини тақазо этади.

3.Интерфаол методларни танлашнинг навбатдаги мезони уларнинг **ўқувчилар ўқув имкониятларига тўлиқ мос келишидир**, яъни самарали ўқув фаолияти учун ички ва ташқи шарт-шароитларнинг бирлигини таъминлашдир. Кузатишларнинг кўрсатишича, реал ўқув имкониятларини ўрганишда қуйидаги шартларни аниқлаштириш керак бўлади: ўқувчиларнинг мустақил фаолиятига тайёргарлиги (ўқув ишларини режалаштириш, машғулот мақсади ва вазифаларини тўлиқ белгилаб олиш кўникмаси, ўз-ўзини назорат, тескари алоқа ўрнатиш ва қўшимча дидактик жараёнини куриш); ўқувчиларнинг ижодий фаолиятига тайёргарлиги (фикрлаш мустақиллиги, ўқув материалидаги асосий ғояни илғаб олиш кўникмаси, топшириқ шартларини белгилаш ва уни ечиш методларини мустақил топиш кўникмаси); ўқишга муносабат ва бошқалар.

Синф тайёргарлигининг юқори даражаси интерфаол методларнинг улушини бирмунча оширишни, репродуктив воситаларни камайитишни талаб этади.

4. Интерфаол ўқитиш методларидан фойдаланишда педагогнинг хусусий имкониятлари мос келиши лозим. Дарснинг дидактик мақсадларига турли методлардан, уларнинг ўзаро бирикувидан оқилона фойдаланиш эвазига эришиш мумкин. Бошқача қилиб айтганда, методлар компенсаторлик (бири йўл қўйган камчилик бошқаси эвазига йўқотилади, яъни меъёрланади) имкониятларига эга.

5. Интерфаол методларни танлаш мезонларидан яна бири – **уларнинг ўқув жараёнини ташкил этиш шакллари билан мос келишидир**. Ўқитишнинг ялпи (фронтал), гуруҳли ва индивидуал шакллари турлича методларни талаб этади. Масалан, **дебат** методи икки ўқувчи (ёки икки гуруҳча) ўртасидаги баҳс ҳисобланса, **“аклий ҳужум”**да гуруҳдаги барча ўқувчиларнинг иштироки зарур бўлади. Шунингдек, бу мезон мавзунинг мураккаблик даражасига мос ҳолда шакл ва методнинг ўзаро уйғунлигини таъминлашга йўналтирилади.

6. Интерфаол методларнинг педагогик технология принципларига мос келиши **умумлаштирувчи мезон** ҳисобланади.

Интерфаол методларни танлаш ва муайян ўқитиш технологиясини мавзу мақсадига мувофиқ тарзда **конструкциялаш** қуйидаги босқичларни қамраб олади:

1. Ўрганилаётган ўқув материалларининг мазмунини таҳлил қилиш. Таълим мазмуни элементи сифатида ўқув материалининг сифатли хусусиятлари аниқланади (билимлар, фаолияти амалга ошириш усуллари-кўникма ва мавжуд ижодиёт тажрибаси).

Таълим мазмунининг ҳар бир элементи учун ўзлаштиришнинг алоҳида фаолият тури мос келади, бинобарин, ўқитиш методларининг муайян гуруҳи ҳам танланади.

Ўқув ахборотининг мантикий тузилмаси характери (мантикий –исботли, ҳаяжонли-тимсолли, аниқ-ҳаракатли характери) белгилаб олинади.

Билув топшириқларининг мазмунли жамламасини ажратиш мақсадида материалнинг ички йўналишлари, томонлари, тафовутлари таҳлил қилинади.

2. Ўрганилаётган материалнинг ўқувчилар учун янгилик даражасини ва билимларни эгаллашда уларнинг мустақиллик даражасини вақт омили ва вариантларни мазмуни таҳлиллаш асосида ажратилган билув натижаларини мақбуллаштириш масалаларини ҳисобга олиб аниқлаш.

3. Таълимнинг умумий мақсадидан келиб чиқиб ўқитишнинг айна босқичидаги тарбиявий ва ривожлантирувчи масалаларни ечиш заруратини ҳисобга олган ҳолда ажратилган вариант (топшириқ)ларни таҳлиллаш ва баҳолаш.

4. Умумий масалаларни ечишда методлар ва усулларни бир-бирига қўшилиш кетма-кетлигини мувофиқлаштириш.

Шундай қилиб, интерфаол методларни саралаш мезонларидан яна бири-бу таълим олувчилар фаолияти характери мураккаблаштириш ва уларнинг мустақиллигини аста-секин оширишдир. Бироқ ҳар бир янги саволларни, мавзу ва бўлимларни ўрганишда методларни қўллашнинг мураккаблиги даражаси бўйича бирмунча соддасига қайтиш мумкин.

#### **“Ақлий ҳужум” методи**

**“Ақлий ҳужум” методининг** моҳияти жамоа ҳамкорлиги асосида муаммони ечиш жараёнларини вақт бўйича бир қанча босқичларга (ғояларни генерациялаш, уларни танқидий ва конструктив ҳолатда ишлаб чиқиш) ажратишдан иборат.

Дарс жараёнида ақлий ҳужумдан мақсадли фойдаланиш ижодий, ностандарт тафаккурлашни ривожлантириш гарови ҳисобланади. **“Ақлий ҳужум”** ни уюштириш бир мунча содда бўлиб, ундан таълим мазмунини ўзгартириш жараёнида фойдаланиш билан биргаликда ишлаб чиқариш муаммоларининг ечимини топишда ҳам жуда қўл келади. Дастлаб гуруҳ йиғилади ва улар олдида муаммо қўйилади. Бу муаммо ечими тўғрисида барча иштирокчилар ўз фикрларини билдирадилар. Бу босқичда ҳеч кимнинг ўзга киши ғояларига ҳужум қилиши ва баҳолашига ҳаққи йўқ. Демак, “ақлий ҳужум” йўли билан қисқа минутларда ўнлаб ғояларни юзага чиқариш имкониятлари мавхуд бўлади. Аслини олганда ғоялар сонини қўлга киритиш асосий мақсад эмас, улар муаммо ечимини оқилона ишлаб чиқиш учунгина асос бўладилар. Бу метод шартларидан бири ҳеч қандай ташқи таъсирсиз қатнашувчиларнинг ҳар бири фаол иштироки бўлиши керак. Билдирилган ғояларнинг беш ёки олтитасигина асосий ҳисобланиб, муаммо ечимини топишга салоҳиятли имкониятлар яратади.

Шундай қилиб, **“ақлий ҳужум”** қоидаларини қуйидагича белгилаш мумкин:

- \*олға сурилган ғоялар баҳоланмайди ва танқид остига олинмайди;**
- \*иш сифатига эмас, сонига қаратилади, ғоялар қанча кўп бўлса, шунча яхши;**
- \*исталган ғояларни мумкин қадар кенгайтириш ва ривожлантиришга қаратилади;**
- \*муаммо ечимидан узоқ ғоялар ҳам қўллаб қувватланади;**
- \*барча ғоялар ёки уларнинг маъзи (фаразлари) қайд этиш йўли билан ёзиб олинади;**
- \*“ҳужум”ни ўтказиш вақти аниқланади ва унга риоя қилиниши шарт;**
- \*бериладиган саволларга қисқача (асосланмаган) жавоблар бериш кўзда тутилиши керак.**

**Вазифаси.** “Ақлий ҳужум” кийин вазиятлардан қутулиш чораларини топишга, муаммони кўриш чегарасини кенгайтиришга, фикрлаш бир хиллилигини йўқотишга ва тенг доирада тафаккурлашга имкон беради. Энг асосийси, муаммони ечиш жараёнида курашиш муҳитидан ижодий ҳамкорлик кайфиятига ўтилади ва гуруҳ (аутория) янада жипслашади.

**Объекти.** Қўллашиш мақсадига кўра универсал ҳисобланиб, тадқиқотчиликда (янги муаммони ечишга имкон яратади), ўқитиш жараёнида (ўқув материалларини тезкор ўзлаштиришга қаратилади), ривожлантирилади (ўз-ўзини бир мунча самарали бошқариш асосида фаол фикрлашни шакллантиради), аскотади.

**Қўлланиш усули.** “Ақлий ҳужум” иштирокчилари олдида қўйилган муаммо бўйича ҳар қандай мулоҳаза ва таклифларни билдиришлари мумкин. Айтилган фикрлар и ёзиб борилади ва уларнинг муаллифлари ўз фикрларини қайтадан хотирасида тиклаш имкониятига эга бўлади. Метод самараси фикрлар хилма-хиллиги билан тавсифланади ва ҳужум давомида улар ташкил қилинмайди, қайтадан ифодаланмайди. Ақлий ҳужум тугагач, муҳимлик жиҳатига кўра энг яхши таклифлар генерацияланади ва муаммони ечиш учун зарурлари танланади.

#### **“Ажурли арра” методи**

**“Ажурли арра” методи** тузилиш жиҳатдан ўзида қуйидаги босқичларни қамраб олади.

**1. Топшириқни бўлиш.** Топшириқ ва матнли материаллар бир нечта асосий қисмларга (ёки мавзуларга) киритилади.

**2. Эксперт гуруҳлар.** Қўлида бир мавзуга оид ўқув топшириқлари мавжуд бўлган талаблар мавзунини муҳофафа қилиш, бошқаларга ўргатиш режасини таллаш учун эксперт гуруҳга бирлашадилар.

**3. Бирламчи гуруҳлар.** Талабалар ўзларининг бирламчи гуруҳларига қайтадилар ва эксперт гуруҳларда ўрганганларини ўқитишади.

**“Ажурли арра” методи** моҳиятига аниқлик киритиш учун баъзи бир тавсияларни ёритиш лозим.

1. Ўқитиш жараёнига бу тарзда ёндошилганда ўқувчиларнинг ҳамкорликда ишлашига ва қисқа вақт ичида катта ҳажмдаги ахборотларни ўзлаштиришларига имкон яратилади.

2. У ёки бу фаолиятни дарсда амалга ошириш учун ўқувчиларга бошланғич ахборотларни узатиш зарурияти туғилса, маъруза ўрнини боса оладиган самарали инструментариий ҳисобланади.

3. Ўқитувчи мураккаб мазмунли мавзулар бўйича ўқувчиларни дарсга тайёрлаш учун олдиндан уларнинг ҳар бирига мўлжалланган алоҳида ахборотли пакет тайёрлайди. Унда дарсликдан, қўшимча тарзда газета, журнал, мақолалардан материаллар бўлиши керак.

4. Ҳар бир ўқувчи 2 гуруҳ таркибида иштирок этади: дастлаб “ўз уйи” (бирламчи) гуруҳига, кейин эса “эксперт гуруҳига бирлашиб, ўқув элементларини мустақил ўрганишади. Эксперт гуруҳини тезда ташкил этиш учун ўқувчилар олган ахборотли пакетларда ҳар бир мавзуга оид материаллар бир хил рангдаги қоғозларга ёзилган ёки рангли қалам билан қоғознинг бирон-бир бурчаги бўялгани маъқул.

5. Ҳар бир гуруҳда 3 тадан 5 тагача ўқувчи (ўқувчиларнинг сонига қараб) бўлиши мумкин. Ҳар бир ўқувчи “ўз уйи”дагиларни қайта учрашиш жойини аниқлаб олиши керак.

6. Ўқитувчи ўқувчиларни “рангли” топшириқлар асосида гуруҳга бирлаштиришни таклиф этади ва улар алоҳида мавзулар бўйича экспертга айланади. Мисол учун, “қизил”ларни аудитория хонаси охирида, “кўк”ларни эса мактаб йўлакчасида учрашиш белгиланади. Ҳар бир эксперт гуруҳда 3 тадан кам ўқувчи бўлмаслиги керак.

7. Гуруҳларга ахборотли пакет тарқатилади. Ҳар қайси гуруҳ турли хил материаллар тўпламини олишлари ва уларни ўқиши, муҳофафа қилиши, айнан шу ахборотлар бўйича экспертга айланиши лозим, ўқув материаллари тўпламини олишлари ва уларни ўқиши, муҳофафа қилиши, айнан шу ахборотлар бўйича “эксперт” бўлиши учун ўқувчиларда вақт етарли бўлиши керак. Бу учун агар материаллар мураккаб ва катта бўлса, эҳтимол, бир дарс тўлиқ талаб қилинади.

8. Ўқувчиларга қуйидаги топшириқлар берилади:

-пакетдаги материалларни қўл билан ўрганиш ва муҳофафа қилиш;

-бир-бирингиздан сўранг ва ўқув материалларини ҳар бирингиз тушуниб олганингизга ишонч ҳосил қилиш;

-ўз “уйингиз” гуруҳини ўқитиш зарурлигини ҳисобга олиб, материалларнинг муҳим ўқув элементларига эътиборни қаратинг;

9. Ўқувчиларнинг ўз “уйларига” қайтишларини илтимос қилинг. Ҳар ўз “уйи”-гуруҳига ахборот беради. Шаксиз, “уй” гуруҳида эксперт гуруҳларидан биттадан ўқувчи бўлиши шарт, ўқувчи ўрганиб келган материалларни ўз гуруҳи ўқувчиларига ўргатиш жавобгарлигини бўйнига қараб яна бир соат давом этиши мумкин.

10. Ўқувчилар бир-бирларидан ахборотларни ўрганишиб бўлишгач, ўқитувчи олдиндан режалаштирилган фаолият турини ўтказиши мумкин.

#### **“Мунозара”**

Бу метод ёрдамида ўқувчиларга муайян муаммо бўйича тўлиқ ахборотлар етказилади, мунозара учун танланган мавзунини ўқувчилар аёвсиз “штурм” қиладилар ва пировард натижада муаммога тегишли маълумотларни атрофлича ўрганадилар.

## **Мунозарани ўтказиш методикаси**

**1.Мунозара олдиб борувчи-бошловчи** (ўқитувчи, журналист, бошлиқ ва ҳаказо) мавзунини олдиндан танлайди ва иштирокчиларни таклиф этади.

**2.Бошловчи иштирокчиларга “ақлий ҳужум”** топширигини беради ва унинг қоидаларини тушунтиради:

-“ҳужум”дан қўзланган мақсад –муаммо ечимига оид вариантларни мумкин қадар кўпроқ таклиф этиш;

-ўз ақл-идрокинғизни марказлаштиришга ҳаракат қилинг ва диққатни муаммот ечимига қаратган ҳолда фикрлар билдиринг. Билдирилган фикрлар умумий фикрларга зид бўлсакда, ҳеч бири рад этилмайди;

-бошқа иштирокчилар ғояларини ҳам ривожлантиринг;

Таклиф этилганларни баҳолашга уринманг, бу иш билан сиз кейинроқ шуғулланасиз.

**3.** Бошловчи котибини тайинлайди ва юзага келган барча ғояларни ёзиб боради. Муҳокама вақтида сўзга чиққувчилар тартиби ўрнатилади, мунозарага барча иштирокчилар жалб этилади ва уларга ўз фикрларини ифодалаш учун имкониятлар берилади. Агар бирон бир киши томонидан “ақлий ҳужум”ни ўтказиш қоидалари бузилса, бошловчи зудлик билан муҳокамага аралашади. Биринчи босқич янги ғоялар пайдо бўлгунча давом этаверади.

**4.** Бошловчи иштирокчиларнинг танкидий тафаккури “чархланиши” учун қисқача танаффус эълон қилади. Кейин иккинчи босқич бошланади. “Ақлий ҳужум” иштирокчилари гуруҳланади ва биринчи босқичда билдирилган ғояларини мустаҳкамлайдилар, ғоялар гуруҳ бўйича бирлаштирилиб, муаллифлар уларни таҳлил қилишга киришадилар ва натижада ўртага қўйилган муаммонинг ечимига тегишли бўлган фикрларгина ажратиб олинади. Бошловчи мунозарага яқун ясайди.

## **“Меню”**

Якка тартибда ёки кичик гуруҳлар билан иш олиб боришни хоҳлаган ижодкор ўқитувчига “Меню” методидан фойдаланиш тавсия этилади. Бунда кичик гуруҳ (ёки ўқувчи)га аниқ топшириқ берилади. Мисол, “Ўзбекистон фуқароларининг ҳуқуқлари ” таснифи хилма-хил, ўқитувчи ҳар бир гуруҳ учун алоҳида топшириқ тайёрлайди.

**1.Конституциявий ҳуқуқлар.**

**2. Маъмурий ҳуқуқ асослари.**

**3. Фуқаролик ҳуқуқи асоалари.**

**4.Меҳнат ҳуқуқи асослари.**

**5. Экологик ҳуқуқлари асослари.**

Ҳар бир гуруҳ топшириқ олади ва 3 минут давомида муҳокама қилишади, сўнгра ҳар бир гуруҳдан биттадан вакил ўқитувчи столига келишади ва тайёр “Меню”ни олиб қайтишади. Бу узун қирқилган қоғозлар –“Тиллар ” бўлиб, уларда хилма-хил ҳуқуқ нормалари баён қилинган бўлади. Гуруҳ вакили тиллардан танлаб олади ва ўз гуруҳига олиб келади, кейин бошқа ўқувчи шу ишни бажаради ва зарурий материаллар йиғилгунча бу ҳолат давом этади. 10 минут давомида топшириқ муҳокама қилинади ва чизмавийлаштирилади. Бу жадвал қўлда тайёрланиши ҳам мумкин ёки жавоблар оғзаки ҳам бўлиши мумкин. Бошқа гуруҳ вакиллари саволлар беришади, ўқитувчи эса гуруҳ ишларини, сардор фаолитини баҳолаб беради.

## **“Кичик гуруҳларда ишлаш”**

**Кичик гуруҳларда ишлаш** ўқувчиларнинг дарсда фаоллигини таъминлайди, ҳар бири учун мунозарада қатнашиш ҳуқуқини беради, бир-биридан синфда ўрганишга имкони туғилади, бошқалар фикрини қадрлашга ўргатади.

## **Қўлланиш усули**

**1.Фаолиятни танлаш.** Мавзуга оид муаммо шундай танланадики, натижада ўқувчилар уни ўрганиш (бажариш) учун ижодий фаолият кўрсатишлари зарур бўлади ва вазифалар белгилаб олинади.

**2.Зарурий асос яратиш.** Ўқувчлар кичик гуруҳ ишида қатнашишлари учун танланган фаолият бўйича баъзи билим, кўникма ва малакаларини олдиндан эгаллаган бўлишлари керак.

**3.Гуруҳларни шакллантириш.** Одатда ҳар бир гуруҳда 3-5 ўқувчи бўлади, (эҳтимол, кам ёки кўп бўлиши мумкин). Агар гуруҳда ишлаш у ёки бу ёзма ҳужжат тайёрлашни талаб этса, яхшиси 2-3 кишидан гуруҳ тузилгани маъқул. Гуруҳ ўлчови масаланинг муҳимлиги, синфдаги ўқувчилар сони, ўқувчиларнинг бир-бири билан конструктив ҳолатда ўзаро ҳаракатига боғлиқ ҳолда ўзгаради. Энг яхшиси, 2-3 “гетроген”гуруҳ ташкил этишдир. (жинси, ўзлаштириш даражаси ва бошқа белгилар асосида). Гуруҳда ишлаш ўқувчилар ўртасида вазифалар аниқ тақсимлашга таянади. (Мисол учун, бир ўқувчи мунозарани бошқаради, иккинчиси ёзиб боради, учинчиси спиеер(сардор) ролини ўтайди ва ҳаказо). Синфни гуруҳларга ажратиш, хоҳиш бўйича ёки ҳисоб бўйича амалга оширилади.

#### **“Муаммо” технологияси**

**Технологиянинг мақсади:** ўқувчиларга ўқув фанининг мавзусидан келиб чиққан турли муаммоли масала вазиятларининг ечимини тўғри топишларига ўргатиш, уларда муаммо моҳиятини аниқлаш бўйича малакаларни шакллантириш, муаммолар ечишнинг баъзи усуллари билан таништириш ва услубларни тўғри танлашга ўргатиш, муаммони келиб чиқиш сабабларини, муаммони ечишдаги ҳатти-ҳаракатларни тўғри аниқлашга ўргатади.

#### **Машғулотнинг ўтказиш тартиби:**

Ўқитувчи ўқувчиларни гуруҳларга ажратиб, уларни ўринларига жойлаштирилгандан сўнг, машғулотни ўтказиш тартиб-қоидалари ва талабларини тушунтиради, яъни у машғулотни босқичли бўлишини ва ҳар бир босқич ўқувчилардан максимум диққат-этибор талаб қилиниши, машғулот давомида улар якка, гуруҳ ва жамоа бўлиб ишлашларини айтади. Бундай кайфият ўқувчиларга берилган топшириқларни бажаришга тайёр бўлишларига ёрдам беради ва бажаришга қизиқиш ўйғотади. Машғулотни ўтказиш тартиб-қоидалари ва талаблари тушунтирилгач, машғулот бошланади:

Ўқувчилар томонидан машғулот учун тайёрланган кинолавҳани диққат билан томоша қилиб, унда ёритилган муаммони аниқлашга ҳаракат қилиш, хотирада сақлаб қолиш ёки дафтарга белгилаб қўйиш (агар кинофильм кўрсатишнинг имконияти бўлмаса, уҳолда ўқитувчи ўқув предметининг мавзуси бўйича плакат, расм, афиша ёки бир муаммо баён қилинган матн, китобдаги ўқув материалидан фойдаланиш мумкин):

\*ҳар бир гуруҳ аъзолари томонидан ушбу лавҳадан (расмдан, матндан, ҳаётий воқеадан) биргаликда аниқланган муаммоларни ватман ёки форматдаги қоғозга фломастер билан ёзиб чиқилади;

\*берилган аниқ вақт тугагач, тайёрлаган ишни гуруҳ вакиллари томонидан ўқиб эшиттирилади;

\*ўқитувчи гуруҳлар томонидан танланган ва муаммолар ёзилган қоғозларни алмаштирган ҳолда гуруҳларга тарқатилади;

\*тарқатилган қоғозларда гуруҳлар томонидан ёзилган муаммолардан ҳар бир гуруҳ аъзоси ўзини қизиқтирган муаммодан бирини танлаб олади;

\*ўқитувчи томонидан тарқатилган қуйидаги чизмага ҳар бир гуруҳ аъзоси ўзини қизиқтирган муаммодан бирини танлаб олади;

\*ўқитувчи томонидан тарқатилган қуйидаги чизмага ҳар бир гуруҳ аъзоси танлаб олган муаммосини ёзиб, мустақил равишда таҳлил этади.

Масалан;

| Муаммонинг тури | Муаммони келиб чиқиш сабаблари | Муаммони ечиш ва сизнинг ҳаракатларингиз |
|-----------------|--------------------------------|------------------------------------------|
|-----------------|--------------------------------|------------------------------------------|

| Тоза ичимлик сувининг камлиги | Сувни тоза сақлашга эътиборнинг камлиги | Табиат ва сувни сувни сақлашга оид тадбирлар ўтказиш |
|-------------------------------|-----------------------------------------|------------------------------------------------------|
|-------------------------------|-----------------------------------------|------------------------------------------------------|

\*якка тартибдаги фаолият тугагандан сўнг ҳар бир ўқувчи бажарган таҳлилий ишини барчага ўқиб эшиттиради;

\*муаммолар ва уларнинг ечими бўйича жамоавий фикр алмашилади;

\*ҳимоядан сўнг ўқитувчи машғулотга яқун ясайди. Кичик гуруҳларга қизиқарли ишлари учун миннаддорлик билдиради.

Бундай технология билан ўтказилган машғулот натижасида ўқувчилар қайсидир муаммони ечишдан аввал унинг сабабини аниқланиши кераклигини, кейин эса уларга зарур бўлган услуб ва усулларни танлаши ҳамда ўз ҳаракатларини аниқ белгилаб олишлари кераклигини билиб оладилар.

## 6.Таълим жараёнини фаоллаштириш ва жадаллаштиришга йўналтирилган педагогик технологияларда интерфаол таълимнинг ўрни

Интерфаол таълим усуллари Ўзбекистонда қадим замонлардан бери таълим-тарбия жараёнида ўқитувчи билан ўқувчилар, ўқувчилар билан ўқувчилар ўртасидаги мулоқотларда муҳокама, мунозара, музокара, мубоҳаса, мушоҳада, таҳлил, машварт, мушоира, мутлоаа каби шаклларда қўллаб келинган.

Бу усуллар ўқувчиларнинг нутқ, тафаккур, мулоҳаза, зеҳн истеъдод, заковатларини ўстириш орқали уларнинг мустақил фикрлайдиган, комил инсонлар бўлиб етишларига хизмат қилган.

«Интерфаол» тушунчаси инглизча «interact» сўзидан олинган.( «inter» – «биргаликда», «act» – «ҳаракат қилиш»). Интерфаол ўқитиш – бу когнитив фаолиятни ташкил этишнинг махсус туридир. Унда тўлиқ, аниқ ва режалаштирилаётган мақсадлар бўлади. Ушбу мақсадлардан бири – ўқитиш жараёнида шундай юқори даражадаги шароит яратиш керакки, унда тингловчи ўқитиш жараёнини продуктив жараёнга айлантирувчи ўзининг муваффақияти, интеллектуал даражасини англаб етиши лозим.

*Интерфаол таълим усули* – ҳар бир ўқитувчи томонидан мавжуд воситалар ва ўз имкониятлари даражасида амалга оширилади. Бунда ҳар бир ўқувчи ўз мотивлари ва интеллектуал даражасига мувофиқ равишда турли даражада ўзлаштиради.

*Интерфаол таълим технологияси* – ҳар бир ўқитувчи барча ўқувчи лар кўзда тутилгандек ўзлаштирадиган машғулот олиб боришни таъминлайди. Бунда ҳар бир тингловчи ўқувчи ўз мотивлари ва интеллектуал даражасига эга ҳолда машғулотни олдиндан кўзда тутилган даражада ўзлаштиради.

- Давра суҳбати
- Ишчанлик ўйинлари
- Кичик гуруҳларда ишлаш
- **Кичик маъруза**
- **Мунозара**
- **Ўқув мунозараси**
- **Ақлий хужум**
- **Дебатлар**
- **Кичик гуруҳларда ишлаш**
- **Ролли ўйинлар**
- **Case-study (конкрет, амалий вазиятлар таҳлили)**

Юқорида айтилганларга мувофиқ хулоса сифатида педагогик технологияни амалда қўллашнинг қуйидаги асосий хусусиятларини кўрсатиб ўтиш мумкин.

### 1. Ўқувчи ўқитилмайди, у мустақил ўқишга ўргатилади.

Бунинг учун ўқувчини мустақил равишда ўқув материални таҳлил қилиб ўзлаштириш, фикрлаш, ижодий мулоҳаза юритиб, шахсий хулосаларга келишга ўргатиб борилади.

**2. Ўқувчига билимлар тайёр ҳолда берилмайди, у билимларни манбалардан мустақил равишда ола билишга ўргатилади.**

Бунда ўқувчининг, аввало, дарслик билан, сўнгра қўшимча адабиётлар, интернет тизими, справочниклар ва шу кабилардан мустақил фойдаланишга ўргатиш орқали ўқитувчи дарсда ўргатганларини мустаҳкамлаш ва кенгайтириб боришга ўргатилади.

**3. Барча ўқувчиларнинг ўз қобилиятларига яраша билимларни ўзлаштиришлари кафолатланади.**

Бунда ўқувчининг ўзлаштириши унинг ўрганган билимларидан ҳаётда амалий фаолиятда, фойдалана олиш кўникма ва малакалари даражаси билан белгиланади.

**4. Барча ўқитувчилар педтехнология механизмини ўргангандагина, бир хил натижа олишга эришадилар.**

**Педагогик технология механизми** – уни амалга ошириш ва самарали қўллаш учун зарур **билим, кўникма, малакаларни** эгаллаш, қулай шароитларни яратиш, замонавий ўқув воситалари, дарсликлар, қўшимча адабиётлар билан таъминлаш ҳамда ўқувчиларнинг дарсда **фаол** иштирок этишлари учун зарур барча тайёргарликларни амалга ошириш, дарсда уларнинг ҳамма имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, мақсадга мувофиқ технологияларни тўғри танлаш ва қўллашни назарда тутади.

Замонавий педагогик технология ўқув мақсадини аниқлаш ва таълим жараёнини лойиҳалашда қуйидагиларни кўзда тутади:

- Ўқувчининг фаоллигини ошириш, уни ҳамкорликка чорлаш;
- Ўқув режасида кўзда тутилган ўқув фанлари бўйича дастурлар, дарсликлар, ўқув қўлланмалари, маъруза матнлари билан ишлаш кўникмаларини ҳосил қилиш;
- Ўқув материалларини мустақил мутолаа қилиш кўникма ва малакаларини шакллантириш;
- Ўқувчини ўз фикрини баён қила олиш, ҳимоялаш, исботлай олишга одатлантириш.

Юқоридаги ўқув жараёни лойиҳаларини амалга ошириш педагогик мотивларни вужудга келтириш заруриятини туғдиради.

Педагогик технологияни тадбиқ қилишда қуйидаги воситалардан кенг фойдаланилади:

- Вербал
- Новербал
- Визуал
- Аудио
- Табиий
- Ўқув анжомлари

**Вербал мулоқат** шакллари ҳар хил кўринишда **нутқ сўзлаш, маъруза, суҳбатлашиш, савол-жавоб, тақдимот** каби кўринишларда амалга оширилади. Бу воситалардан фойдаланиш орқали машғулотлар **фаоллашган** ҳолда ташкил этилади.

**Новербал** воситалар **мимика, гавда ҳаракатлари орқали** бирор маъно-мазмунни ифодалаш ёки таъкидлаш учун қўлланилади.

**Визуал (кўргазмали)** воситалар педагогик технология жараёнида ўқувчилар кўз билан кўришлари учун мўлжалланган барча воситаларни ўз ичига олади. Буларга **чизма, жадвал, фото-тасвир, тарқатма материал, плакат, видео, кино тасвирлар** киради.

*Аудио воситалар* эшитиш орқали ахборотни ўрганиш, ўзлаштириш имкониятини берувчи (масалан: **магнитофон тасмаси, турли дисклар, мусиқа асбоблар** ) воситалардир.

**ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯНИНГ АСОСИЙ ЖАРАЁНИ:**

- **Ташкил этиш**
- **Ҳамкорликда иш олиб бориш**
- **Такомиллаштириш**
- **Таҳлил қилиш**
- **Қиёслаш**
- **Умумлаштириш**
- **Хулоса чиқариш**
- **Бошқариш назорат этиш**
- **Баҳолаш кабиларни ўз ичига олади.**

Дарс жараёнида ўқитувчи ўқувчилар билан бевосита, **жамоа, гуруҳларда индивидуал** шакллар асосида иш юритади. Бунда қуйидаги услуб ва технологиялардан фойдаланади:

**1. Алгоритмлаш (таянч компонентлар, таянч чизма, диаграммалар, қисқа ахборотли тезислар).**

**2. Ижодий топшириқлар ечиш.**

**3. Моделлаштириш (таҳлил этиш, муаммоли саволлар, мантиқий таҳлиллар, қиёсий таққослашлар).**

**4. Ақлий ҳужумлар.**

**5. Синтетик (аналоглар ёрдамида) ечимлар.**

**6. Нутқ ўстирувчи дарслар тизими.**

**Эвристик суҳбатлар (қуйи синфларда йўналтирувчи саволлар бериш йўли билан билим бериш, юқори синфларда: топқирлик, зийраклик, фаолликни ривожлантиришга ёрдам берувчи таълим усуллари).**

Интерфаол методларни қўллашга ёндашган ўқитиш жараёни гуруҳдаги барча ўқувчиларнинг англаш ва фикрлаш жараёнида иштирок этишини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилади. Ҳамкорликдаги фаолиятда иштирокчиларнинг барчаси иш жараёнига ўзининг шахсий улушини қўшади, иш жараёнида билимлар, ғоялар, фаолият методлари билан алмашилиши рўй беради. **Индивидуал, жуфтликдаги ва гуруҳдаги иш ташкил** этилади, **проект иши, ролли ўйин** қўлланилади, турли маълумот манбаи ва ҳужжатлар билан ишланади.

Шу ўринда Хитой Ҳалқ мақолини келтиришни лозим деб топдик: **«Менга гапирсанг, эсдан чиқараман, менга кўрсатсанг, эслаб қолишим мумкин, менга ўзимга ишлашга имконият бер, шунда бу батамом меники бўлиб қолади».**

Юқоридагилардан **Интерфаол** методлар ўзаро ҳаракат, ўқувчиларнинг **фаоллиги, гуруҳ тажрибасига таяниш, мажбурий қайта алоқа** тамойилларига асосланади. Ошкоралик, иштирокчиларнинг ўзаро ҳаракати, уларнинг далилларини тенглиги, ҳамкорликдаги билимлар банки, ўзаро баҳолаш ва назорат имконияти билан белгиланадиган таълимий мулоқот манбаи яратилади.

Бошловчи (ўқитувчи, тренер) янги билимлар билан бирга таълим иштирокчиларини мустақилга изланишга бошлайди. Тренернинг **фаоллиги** ўрнини ўқувчиларнинг **фаоллиги** эгаллайди, бошловчининг вазифаси эса ўқувчиларнинг ташаббуслари учун шароит яратишдир.

Интерфаол усулдаги машқлар ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги таълим мазмунини ўзлаштириш муносабатларини кучайтирибгина қолмасдан икки тарафлама **фаоллашиш** демакдир. Замонавий дидактика ўқитиш талаблари, амалий фаолиятдаги янгича

ёндашувлар таълим бериш технологияси билан бойиб борар э. Тренер (ўқитувчи) ўзидан ўқув маълумотини ўтказувчи ўзига хос фильтр ролини бажаради ва иш жараёнида ёрдамчи функциясини бажаради. Шунинг учун интерфаол ўқитиш авваламбор катта ёшдаги ўқувчиларни интенсив ўқитиш жараёнида қўллаш учун мўлжалланган хулоса қилиб айтиш мумкинки, интерфаол ўқитиш методларини қўллаб машғулоти ўтилганда, материални ўзлаштириш даражаси юқори бўлади, иштирокчилар ўртасида дўстона муҳит яратилади.

Таълим жараёнида ҳар қандай интерфаол усул тўғри ва мақсадли қўлланилганда ўрганувчиларни ёки ўқувчини мустақил фикрлашга ўргатади кан таълим олишга нисбатан очиқлик, ўз фаолиятини мунтазам таҳлил қила олиш, шахсий салоҳиятни ривожлантириш; турли вазиятларга тушганда оқилона мақсад қўя олиш, шахснинг ички имкониятини тўғри йўналтира олиш, имкониятлар устида ишлаш орқали натижага келиш каби ўнлаб шахс хусусиятларини самарали бошқариш кўникмаларининг билим беришнинг интерфаол усуллари орқали амалга оширади.

**Усул** ўқитувчининг индивидуал педагогик маҳорати бўлиб, турли таълим методлари орқали сайқалланади.

**Машқ** – ўқувчининг дарс жараёнидаги амалий кўникмаларини шакллантирувчи фаолият тури. Бу фаолият **ўқувчини назарий маълумотни тўб мазмун моҳиятини ўзлаштириш ўзидан ўтказиш, қарор қабул қилиш, танқидий ва ижодий фикрлаш хиссиётларни бошқара олиш каби маданиятни ривожлантиради.** Интерфаол машқлар **ўқитувчи–ўқувчи, ўқувчи–ўқувчи ҳамкорлигига** асосланган бўлади. Бунда ўқувчи билим олишга ўз хоҳиш, истак ва қизиқишлари орқали жалб қилинади, янги билимларни мақсадли ўзлаштириш йўллари ўрганади. Амалда синовдан ўтказади. Ўқув материални пухта билиб олишнинг осон йўлидан боради.

Шу ўринда **“Маълумотлар ўртасидаги боғлиқлик”** машқининг ўтказиш босқичларини ўқитувчиларга дарс жараёнида қўллашлари учун тавсия қиламиз.

1- **қадам.** Ўқитувчи ўқувчиларга уйга вазифа сифатида кейинги дарсга газета ёки журнал олиб келиш топшириғини беради.

2- **қадам.** Ўқувчилар тарих ёки география дарсларида ушбу газета ёки журналдаги ўзлари учун янгилик бўлган воқеалар акс эттирилган информацияларни ажратиб олишлари мумкинлиги айтилади. Бажариш учун 2 дақиқа вақт берилади.

3- **қадам** ўқувчилар кичик гуруҳларда ишлаш учун ўқитувчи ёрдамида алоҳида етти кишидан иборат гуруҳларга ажратилади ва ҳар бир гуруҳ алоҳида столда жойлашади.

4- **қадам** ўқитувчи томонидан ўқувчилар ўтирган гуруҳ столига дунё харитаси ёпиштирилган филипчарт қоғози қўйилади.

5- **қадам.** Кичик гуруҳларда ишлаш учун иштирокчиларга қизиқарли бўлган янги маълумот ва ахборотлар сараланиши лозимлиги айтилади. Саралаб олинган маълумотлар 5 дақиқа ичида кесиби олинади.

6- **қадам.** Амалга оширилган иш яъни маълумотлар дунё харитасидаги мамлакатлар содир бўлганлигига қараб ҳар бир давлатнинг ўзига мос бўлган ҳудудда жойлаштирилади.

7- **қадам.** Кейинги босқичда ўзаро ҳамкорликда амалга оширилган ишлардаги янгиликлар гуруҳланади. Масалан: Мавзуларга оид: иқтисодиётга, сиёсатга ва фан тараққиётига, спорт ва маданиятга, ўсимликлар дунёсига ва бошқа йўналишларга

8- **қадамда энг фаол** иштирок этган мамлакатлар ҳақидаги маълумотлар ажратиб кўрсатилади ва **бу фаолликнинг** ўзига хос хусусиятлари ҳақида гуруҳда фикрлар муҳокама қилинади.

9- **қадам.** Кичик гуруҳдаги маълумотлар ўртасидаги боғлиқликлар бизнинг давлатимиз билан нечоғлиқ ҳамкорликда амалга оширилишига қараб рангли маркерлар орқали узвий боғлиқлиги аниқланади.

**10-қадам.** Гуруҳ томонидан амалга оширилган иш бир иштирокчи томонидан тақдимот қилинади. Шунингдек, барча гуруҳлар фаолияти тақдимот қилинади. Савол-жавоблар орқали тўлдирилиши мумкин.

Дарсни олиб боровчи ўқитувчи машқ якунида ўқувчиларга ўқув цикли бўйича қуйидаги саволларни беради:

1. **Машқ сизга ёқдими?**
2. **Сиз ушбу машқни бажариш жараёнида нималарга эътибор бердингиз?**
3. **Гуруҳда ишлаш жараёнида қайси ўртоғингизнинг фаолияти ёқди?** Аксинча сиз машқни амалга ошириш жараёнида қандай қийинчиликларга дуч келдингиз?
4. **Сўнгра умумлаштирувчи савол сифатида ушбу машқ сизга нима берди, Сиз қандай янги информация ёки маълумотлар билан танишдингиз** каби саволлар билан ўқувчиларнинг ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакаларини таҳлил қилади ва баҳолайди. Ушбу машқни **она тили** дарсларида **тарих** дарсларида фойдаланиш ҳам ижобий натижа беради. Бунда ўқувчи матнларда берилган гапларни ажратиб олиши ҳамда матнда янгидан тўзиши ёки турли мавзулардаги бир-бирини тўлдирувчи янги кичик матн яратиши ҳам мумкин. Яратилган янгидан ишлов берилган матн тақдими ўтказилиши ва таҳлил қилиниши ҳам ўқувчиларнинг ижодий фаолият юритишларига йўналтиради.
5. Демак, машғулотлар ўртасидаги боғлиқлик машқ орқали фақат биргина фан имкониятларини эмас, балки **фанлараро ўзаро уйғунлашув интеграциялашув** ходисаси содир бўлади. Шунга ўхшаш вазиятлар орқали ўтказилган машқлар дарснинг сифат ва самарадорлигини оширишда жиддий таъсир этувчи омилдир. Интерфаол машқларни ўтказиш учун ўқитувчи ташкилий-педагогик илмий методик амалий дидактик жиҳатдан пухта тайёргарлик кўриши керак.
6. Интерфаол машқларни ўтказишда ташкилий-педагогик омил сифатида қуйидагиларни

-**ўқитувчи интерфаол машқни ташкил эта олиш кўникмасига эгаллиги**

-**ўқув хонасида машқни амалга ошириш учун зарур шароитнинг мавжудлиги**

-**санитария гигиена талабларига мослик**

-**хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш ва бошқалар.**

Илмий-методик жиҳатдан эса:

- **машқ ишланмасининг аниқ ишлаб чиқилганлиги (вақт меъёрлари тўғри белгиланиши)**
- **машқ ўтилаётган мавзуга мос бўлиши ва бевосита мавзунини тўлдириши;**
- **машқни амалга оширишда ўқувчи имкониятларини ҳисобга олинганлиги**
- **машқдан мақсадли фойдаланиш малакаларининг мавжудлиги ва бошқалар**

Амалий дидактик жиҳатдан эса машқнинг ўқувчи ёш хусусиятларига мослиги, маънавий ахлоқий мезонларга асосланганлиги тарбия орқали таълим беришга йўналтирилганлиги ва бошқалар.

**7. Ушбу йўналишда фойдаланиладиган ўқитиш методлари ва тадбиқ қилиш воситалари**







**4. Слайд шоу. «Гуруҳнинг жойлашиши» (5 дақиқа)**

**Слайд № 9 тренер гуруҳнинг жойлашуви**      **Керакли материал:**  
**қақида маълумот беради.**

- **слайд № 9**
- **экран**
- **мультимедиа проектор**
- **компьютер**

Тарқатма материал:  
4.а Гурухнинг жойлашиши.

Слайд № 9

| ГУРУХНИНГ ЖОЙЛАШИШИ.                                                                                                                |                                                                                       |
|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|---------------------------------------------------------------------------------------|
| Айлана бўйлаб саволлар                                                                                                              |    |
| Катта айлана (айлана атрофида стуллар)<br>-Катта айлана (камроқ тайёрлик кўрганлар)<br>-Кичик айлана (кўпроқ тайёргарлик кўрганлар) |   |
| Гуруҳларда ишлаш, арча шаклидаги парталар                                                                                           |  |
| «Жонли чизиқча»<br>Экспертлар.                                                                                                      |  |
| Дебатлар                                                                                                                            |  |
| Гуруҳларда ишлаш                                                                                                                    |  |

5. Кичик гуруҳларда ишлаш. «Жуфтликда ишлаш. Кичик гуруҳларда ишлаш.

Методларнинг афзалликлари ва камчиликлари» (25 дақиқа)

4та кичик гуруҳларда иш олиб борилади. Ҳар бир гуруҳга топшириқ берилади. Топшириқ слайд № 10да кўрсатилади.

Барча гуруҳлар учун топшириқ: гуруҳда ишлаш қоидаларини ишлаб чиқинг. (қоидалар мақол, афоризм, девиз шаклида ёзилган бўлса, яхши бўлар эди)

Ҳар бир гуруҳга қўшимча топшириқ:

Топшириқ № 1. Жуфтликда ишлашнинг афзалликлари

Топшириқ № 2. Жуфтликда ишлашнинг камчиликлари

Топшириқ № 3. Кичик гуруҳларда ишлашнинг афзалликлари

Топшириқ № 4. Кичик гуруҳда ишлашнинг камчиликлари

Ҳар бир гуруҳ мустақил плакатда ишлайди (10 дақиқа) ва плакатнинг юқори ўнг бурчагида гуруҳда ишлашнинг қоидаларини ёзади. Иш якунида плакатлар осилиб қўйилади. («Галерея» методи). Иштирокчилар плакатлар ёнига борадилар ва бошқа гуруҳлар материали билан танишадилар (10 мин). Шундан сўнг тренер экранда «Гуруҳда ишлашнинг тахминий қоидалари»ни намойиш этади. (слайд № 11)

Слайд № 11

Керакли материал:

- плакатлар
- маркерлар
- скотч
- слайд № 10, 11
- экран
- мультимедиа проектор
- компьютер

Хрестоматия

«Жамоада ишлаш»

### **ГУРУҲДА ИШЛАШНИНГ ТАХМИНИЙ ҚОИДАЛАРИ.**

- Фаол бўлиш.
- Иштирокчиларнинг фикрини ҳурмат қилиш.
- Ҳайрихоҳлик фазилатига эга бўлиш.
- Жавобгарликни ҳис этиш, ўз вақтида топшириқни бажариш.
- Гапни бўлмаслик.
- Ўзаро мулоқот учун очиқ бўлиш.
- Қизиқишга эга бўлиш.
- Ҳақиқатни топишга интилиш.
- Регламентга амал қилиш.
- Креативлик.
- Гуруҳда ишлаш қоидаларини ҳурматлаш.
- Асосий қисм. «Нима қилмоқчи эканлигингни айт».

6. Сессия якуни. Рефлексия (5 дақиқа)

Рефлексия ўтказиш учун тахминий саволлар :

- Сиз нима ва нима учун ҳис қилдингиз?
- Топшириқни бажариш жараёнида сизга нима ёрдам берди ва нима ҳалақит берди?
- Машғуллот жараёнида Сизни ҳайратда қолдирган нарса борми?
- Шахсий ҳаракатлар амалга оширилишида гуруҳ қатнашчиларининг фикри ҳисобга олиними?
- Сиз ўзингизнинг ва гуруҳнинг ҳаракатларини қандай баҳолайсиз?
- Ушбу сессияни яна бир бор ўтказганингизда, нимага ўзгартириш киритган бўлардингиз?

**5. Ушбу йўналишда фойдаланиладиган ўқитиш методлари ва уларни талбиқ қилиш воситалари**

### **Мавзу 1.2.3. Ақлий ҳужум**

#### **Ўқитиш мақсадлари**

Тингловчилар билиб оладилар:

- «Ақлий ҳужум» атамасининг маъносини;
- Ушбу методни қайси вазиятларда қўллашни;
- Ақлий ҳужум босқичларини таҳлил қила оладилар.

Фаолият:

1. Ақлий ҳужум. (25 дақиқа)

Гуруҳга ечимини топиш лозим бўлган муаммо маълум қилинади. (вақт белгиланади) Масалан: «Замонавий бошқарувчи портрети», «МТМ ривожланиш йўлида» ёки «Маҳалла қошида болаларни мактабга тайёрловчи марказ».

Ўқитувчи машғулот ўтказиш қоидаларини тушунтиради. Ўқувчилар доира шаклида туриб оладилар, марказда ўқитувчи ўқувчиларнинг бирига копток иргитиб, муаммо бўйича фикрини сўрайди. Фикрлар қисқа ва лўнда бўлиши керак. Фикрлар бир-бирига ўхшаш бўлиши мумкин. Иккинчи тренер фикрларни флипчартга ёзиб боради.

Биринчи босқич вазифаси тобора кўпроқ фикрлар олишдан иборат. Мана шунда асосий қоида киритилади: ҳар қандай, энг ақлсиз фикрлар, айнан хато ғоялар ҳам қабул қилинади, танқидга умуман йўл йўқ (хаттоки скептик кулгу тариқасида ҳам!). Аксинча, барча айтилган фикрлар қўллаб-қувватланиши лозим. Бундай қўллаб-қувватлаш ижодий жараёни рағбатлантиради;

Модератор жараёни бошқаради қўллаб-қувватлайди, руҳан иштирокчиларни ёндиради.

Керакли материал:

- копток
- маркерлар
- скотч
- плакат
- флипчарт

Танқидга энди рухсат берилади. Ҳар бир ғояда рационал, амалий, фойдали ечим топишга ҳаракат қилиш лозим.

Керакли материал:

- Флипчарт
- маркерлар

«Энг оқилона», перспектив ғояларни танлаш ва ривожлантириш лозим.

2. Ғоялар танлови (15 дақиқа)

3. Мунозара . «Ушбу методни қачон қўллаш мумкин?» (15 дақиқа)

Тингловчиларга савол билан мурожаат этилади «Қачон ва қайси вазиятда «ақлий ҳужум» услубини рационал ишлатиш мумкин?» Мунозара дан сўнг жавобларни умумлаштириш мумкин.

«Келинг қайси вазиятда ушбу услуб қўлланилишини кўриб чиқамиз?»

Керакли материал:

- компьютер
- экран
- мультимедиа
- слайд № 3

Слайд № 1

| Қайси вазиятда ушбу метод қўлланилади? |
|----------------------------------------|
| • Муаммоларни ва масалаларни ечишда    |
| • Қийин вазиятда муаммони ечишда       |
| • Ўзгаришсиз қолган ҳолатда            |
| • Гуруҳни жипслатиришда                |
| • Альтернатив вариантларни қидиришда   |
| • Аргументларни қидиришда              |
| • Лойиҳа ишлаб чиқишда                 |
| • Янги маҳсулот ишлаб чиқишда          |

• **Ғояларни танлашда.**

4. Слайд-шоу. «Ақлий ҳужум ўтказиш қоидалари» (10 дақиқа)

Тингловчиларга 2-3 слайдлар намойиш этилади ва мазмуни тушунтирилади.

Керакли материал:

- экран
- мультимедиа
- слайд № 2, 3

Тарқатма материал:

- 4.а. «Ақлий ҳужум ва уни ўтказиш қоидалари».

**Слайд № 2**

**Ақлий ҳужум – гуруҳ фаолиятининг таркибий қисми бўлиб, ғоялар генерациясига (жамлашга) йўналтирилган ва ҳамкорликдаги ижодий фаолиятни рўёбга келтирадиган синергетик таассуротга асосланган.**

**Слайд № 3**

**Ақлий ҳужум ўтказиш қоидалари.**

- **Ғоялар сони уларнинг сифатидан муҳимроқдир;**
- **Генерация босқичида ғоялар танқиди маън этилади;**
- **Ёмон ғоялар йўқ! Барча ғоялар қўллаб-қувватланади;**
- **Ҳар бир ғоя ривожланиши керак, ҳаттоки ушбу ғоя тўғрилиги ва ривожланиши мумкинлиги ҳозирги вақтда мавҳум бўлса ҳам;**
- **Ҳазил - мутуйиба, фантастик ғоялар қўллаб - қувватланади;**
- **Ғоялар қисқа баён этилади;**
- **Илгари сурилган ғоялар ёзиб борилади, сўнг таҳрир қилинади;**
- **Ғоялар баҳоланишида нотўғри ва нереал ғоялар олиб ташланади.**

6. Кичик маъруза. «Ақлий ҳужум босқичлари» (10 дақиқа)

Ақлий ҳужум босқичлари ҳақида слайд-шоу намойиш этилади ( слайдлар № 4-9)

Керакли материал:

- компьютер
- экран
- мультимедиа
- слайд № 4-9

Хрестоматия

- Ақлий ҳужум босқичлари

**Слайд № 4**

**Ақлий ҳужум босқичлари**

**1-босқич. Муаммони қўйиш.**

**2-босқич. Қоидаларни тушунтириш.**

**3-босқич. Ғояни ишлаб чиқиш.**

**4-босқич. Маънони аниқлаш.**

**5-босқич. Баҳолаш.**

**Слайд № 5**

**1-босқич. Муаммони қўйиш**

Фасилитатор флипга муаммони ёзади. Савол қисқа, аниқ ва рағбатлантирувчи бўлиши керак. Ақлий ҳужум натижаларини аҳамияти мавзуни аниқ ва конкрет қўйилганлигига боғлиқ. Фасилитатор муаммо нима сабабдан гуруҳ учун долзарблигини тушунтиради.

Слайд № 6

2-босқич . Қоидаларни тушунтириш.

Фасилитатор Ақлий ҳужумнинг асосий қоидаларини тушунтиради:

- Ҳар қандай ғоя қабул қилинади.
- Таклиф этилган ғояларнинг танқиди ва муҳокамаси ман этилади. Бу эса барча розилик ва норозилик билдиришни оғзаки ва бошқа шакллариға тегишлидир.
- Ҳар бир ғоя қандай таклиф этилган бўлса, шундай ёзилади. Бошқача талқин қилиш, умумлаштириш ёки интерпретацияға йўл қўйилмайди.
- Мустақил ижод – кутилмаган энг ажойиб ғоялар рағбатлантирилади. Ғоялар сони мақсад қилиб белгиланади. Нотўғри ғоялар сифати ва улардан воз кечиш ҳақида сўз кейин олиб борилади.
- Аввал таклиф этилган ғояларни ривожлантириш мумкин ва рағбатлантирилади.
- Таклиф этилган ғояларға қарама-қарши ғоялар ҳам қабул қилинади ва рағбатлантирилади.
- Вақт чегаралари белгиланади ва қатъий бажарилади. Вақт тугаши билан ғоялар генерацияси тўхтатилади.

Слайд № 8

4-босқич . Маънони аниқлаш

Ғояларни генерация қилиш белгиланган вақт ўтгандан сўнг иштирокчиларға фақат қайсидир ғояға аниқлик киритишға қаратилган саволлар бериш мумкин ва фақат ғоя эгасиға шундай аниқлик киритиш рухсат берилади.

Слайд № 7

3-босқич. Ғояни ишлаб чиқиш

Гуруҳ иложи борица кўпроқ ғояларни генерация қилишға ҳаракат қилади. Фасилитатор тезлик билан таклиф этилган ғояларни қоғозда ёзиб боради. Жараёни тезлаштириш мақсадида, агар гуруҳ катта бўлса, ғоялар икки иштирокчи томонидан ёзиб борилиши мумкин.

Слайд № 9

5-босқич. Баҳолаш.

Иштирокчиларға ғояларни баҳолаш таклиф этилади. Баҳолаш жараёнини бутун ёки кичик гуруҳларда ўтказиш мумкин. Энг истикболли ғоялар аниқланади ва келишувуга эришиш ҳаракати қилинади.

7. Энержайзер «Сотувчи» (10 дақиқа)

Ўйин очик жойда ўтказилади. ўқувчилар доира Керакли материал:  
шаклида ўтирадилар ва олма-нок-беҳи-ўрик -  
меваларини номини биттадан танлайдилар. «Сотувчи»  
хонаға киради ва «Мен бугун бозорда бўлдим ва  
олма-нок сотиб олдим». Ушбу мева номларини  
эшитган ўқувчилар жойларини алмаштирадилар. Бу  
вақтда «сотувчи» ўзига стул топиб, ўтириб олиши  
керак. Стулсиз қолган тингловчи «сотувчи» бўлади.

Мавзу 1. 2. 3. Ролли ўйин.

Ўқитиш мақсадлари:

- Ўқувчилар сессия якунида билиб оладилар:
- интерфаол таълим методи бўлган ролли ўйиннинг афзаллик ва камчилигини;
  - ролли ўйин методини қандай ҳолда қўллаш кераклигини.

Фаолият:

1. Ролли ўйин “Маҳалла қўмитасидаги мажлис” (30 дақиқа)

Тасаввур қилинг - Сиз маҳалла қўмитасида ўтказиладиган мажлиснинг қатнашчисисиз. Мажлис кун тартибида – ҳар бир қатнашчи ўз фаолияти жараёнида дуч келадиган муаммолар муҳокамаси. Фаолият эса шахснинг (боланинг) ҳар томонлама етук ривожланишига йўналтирилган. Ҳар бир қатнашчи мажлисда тўрттадан кам бўлмаган муаммони қўтаради: Ҳар бир қатнашчи чиқишига регламент белгиланади. Умумий мажлис мажлис бошқарувчисини тайинлайди. Слайдда мажлис қатнашчиларининг рўйхати намойиш этилади.

Керакли материал:

- экран  
- мультимедиа проектор  
- компьютер

Хрестоматия  
- Ролли  
ўтказадиган  
сифатида  
бериладиган  
маслаҳатлар

ўйинни  
тренер  
ўзига

Маҳалла қўмитасидаги мажлис:

Мажлис қатнашчилари:

- Маҳалла қўмитасининг раиси
- МТМ мудираси
- Мактаб директори
- Поликлиника бош шифокори
- “Оилавий таълим” дастури бўйича мутахассис (волонтёр)
- Қўни-қўшни
- Ота-она
- Буви-бува (қайнона)
- Бола (6 ёш)

Ролли ўйинлар ўтказишда уни ўтказиш қоидалари плакатда осиб қўйилади.

Слайд №2

Ролли ўйинни ўтказадиган тренер сифатида ўзига бериладиган маслаҳатлар:

- Вазиятни тўғри айтиб бериш
- Вазиятни ўзи тушуниб етиши
- Ролларни аниқ бўлиб бериш
- Аниқ инструктаж ўтказиш
- Лозим бўлган шароитни яратиш
- Регламентни аниқлаб назорат қилиш
- Таълим мақсадларини тўлиқ аниқлаб олиш
- Мақсадга эришишга ҳаракат қилиш
- Ҳаракатларни (ўйиннинг ўзини) назорат остида ушлаш
- Тренер бажарувчидан масалани тўғри тушунганлигини тасдиқлаганини эшитиш
- Мақсадли гуруҳнинг даражасини ҳисобга олиш
- Ўқув мақсади бўйича ролли ўйин натижаларини тўлиқ таҳлил қилиш

Ролли ўйин босқичлари:

1) Ҳаракат (маҳалла қўмитасида мажлис)

Таълим мақсади: Қатнашчилар маҳаллалардаги аниқ вазиятни яратадилар

2) Асосий муаммолар “тўпламини” аниқлаш, кичик гуруҳларда бу муаммо бўйича иш олиб бориш, бор муаммони юзага чиқариш.

Таълим мақсади: Қатнашчилар бор бўлган муаммоларни юзага чиқариб йиғадилар.

3) Сабаб – оқибат боғлиқлигини тузиш

**Таълим мақсади:** Қатнашчилар муаммолар дарахти билан танишадилар, асосий муаммолар бўйича сабаб ва оқибат боғлиқлигини тўзадилар.

4) Муаммоларни ҳал қилиш йўллари асосий йўналишлари бўйича ишлаб чиқиш

1. Натижаларни кўриб чиқиш. Савол-жавоб (10 дақиқа)

Тақдимот тўғрисида гуруҳ фикрини аниқланг:

Керакли материал:

- |                                                    |         |
|----------------------------------------------------|---------|
| - Машқ пайтида сиз ўзингизни қандай ҳис қилдингиз? | - қоғоз |
| - Тақдимотда сизга нима энг кўп ёқди, нима учун?   | - ручка |
| - Қийинчилик бўлдими ва нима учун?                 |         |
| - Бу машқ таълим учун мос келадими, нима учун?     |         |

2. Кичик маъруза (25 дақиқа)

Ўқувчиларга ролли ўйинга тегишли ахборот берилади. Ролли ўйин афзалликлари, камчиликлари ва асосий элементлари ҳақида сўз юритилади ва слайдлар намойиш этилади.

Керакли материал:

- қоғоз
- ручка
- мультимедиапроектор
- компьютер
- экран

Хрестоматия

Ролли ўйин афзалликлари  
камчиликлари ва асосий  
элементлари

**Тренер (ўқитувчи) учун ахборот**

Ролли ўйин – қатнашчиларнинг тажрибасини кенгайтириш методи бўлиб, уларни қутилмаган вазиятга дуч қилиш орқали шу вазиятда қатнашчилардан кимнингдир ролини ижро этиш таклиф этилади, шу орқали вазиятнинг мос интихосини топадиган метод ишлаб чиқишга эришилади. Роллар ўйини назарияси машҳур америкалик тадқиқотчи Дж.Морено айтганидек, role сўзи лотинча rotula (кичик ғилдирак ёки ғўла) сўзидан олинган бўлиб, кейинчалик пьесанинг актёр учун қоғозга ёзиган ва думалоқ найча қилиб ўралган варақдаги сўзлари эди. Фақатгина XVI-XVII асрга келиб бу сўз актёрлар ўйини маъносини англата бошлади. Ролли ўйинлар тушунчаси XX асрда юзага келди. Ролли ўйинлар вақтинчалик қатнашчининг бошқа кишининг ролини ўйнашни, ёки ўзини бошқа вақт оралиғида кўрсатишини кўзда тутди. Киши ролни қабул қилганидан кейин шу ролдаги персонаж каби ҳис қилишга, ҳаракат қилишга ва ўзини кўрсатишга ҳаракат қилади. Бошқа қатнашчилар бирон бир мақсад билан рол ўйнаётганларини кўзатадилар. Ишнинг бундай шакли турли мақсадларда қўлланилади.

Слайд №3

**Ролли ўйинлар афзалликлари**

- Тажиба орттиришнинг энг самарали методларидан бири – “**ҳаракат орқали ўргатиш**”.
- Билим ва кўникмаларни қиёслаганда “**оғриксиз**” сингдиришнинг ёқимли методини таклиф этади.
- Қатнашчиларга баъзи бир вазиятларга дуч келганда кишилар ўзини қандай ҳис қилишини билиш имкониятини беради.
- Қатнашчиларга турли хулқ-атвор моделларини ўзлаштириш ва мустаҳкамлаш имкониятини берадики, табиий шароитларда улар рўй берганда у ёки бу моделни қўллаш мумкин бўлсин.

#### Слайд №4

##### **Ролли ўйинларнинг камчиликлари**

- Агар гуруҳ сценарий реал-ҳаётий эмаслигини, амалий фаолиятнинг баъзи бир қирралари ҳисобга олинмаганлигини сезса, ўйиннинг моҳияти йўқолади ва таълим мақсадларига эришилмайди. Агарки ролли машқларнинг мақсадлари тўлиқ тушунтирилмаган бўлса, хулқ - атворни намоён қилиш муҳимлиги тасдиқланмаган ва эътибор қилинмаган бўлса, ролли ўйинни қандайдир “кўнгил очар” ўйин каби қабул этиш ҳавфи юзага келади.
- Ролли ўйин қандайдир даражада ҳавфга эга. Агар гуруҳ қатнашчилари ўйинда қатнашиб ўз “юзларини” йўқотишдан қўрқсалар, ёки ролли мулоқот жараёнида тортинсалар, бу машқлар самара бермайди.
- Агар ўқитувчи кучли психологик ва коммуникатив билимларга эга бўлмаса, у ижрочиларда ҳавотирлик, ўз ўзини баҳолашда ташвиш ҳиссини уйғотиши мумкин.

#### Слайд № 5

##### **Ролли ўйиннинг асосий элементлари**

**Ташҳис**

**Тажриба қилиш**

**Текширув**

**Намойиш этиш**

**Муҳокама қилиш**

#### Слайд № 6

**Ташҳис**

**Қатнашчиларда рол ўйнаган даврдаги вазиятларда юзага келадиган муносабатларда ҳис-ҳаяжон туйғусини уйғотиш ва ривожлантириш қобилиятига эга**

#### Слайд №7

**Тажриба қилиш**

**Рол ўйнаётган қатнашчига ўйин орқали янги роллар ва ҳиссиётларни сезиш имкониятини беради.**

#### Слайд №8

**Текширув**

**Ўйлаб чиқарилган ва реал ҳаёт вазиятида турли ёндашувларни қийёслаш ҳолатини юзага келишини таъминлайди.**

#### Слайд № 9

**Намойиш этиш**

**Катта аудиторияга “жонли” ҳолатда у ёки бу кўрсатмалар, стереотиплар ва муносабатларни кўрсатиш имконини беради**

#### Слайд №10

**Муҳокама**

**Ролли ўйинларни интиҳоси бўлиб, биринчи галда ўйинга алоқаси бўлмаган далилларни эмас, қатнашчиларнинг бошидан кечирган туйғуларини муҳокама қилиш, қўллаш керак.**

**Ўйиннинг асосий элементлари қўйилган масалаларни ҳал қилишга йўналтирилгандир**

#### Слайд №11

**1-босқич: роль ва мавзуларни тақсимлаш**

**2-босқич: ролларга тайёргарлик**

**3-босқич: ўйин фазаси**

**4-босқич: таҳлил**

**5-босқич: муҳокама**

**6-босқич: ҳулоса**

4. Ҳулоса (10 дақиқа)

Ролли ўйинлар биргаликдаги ҳаракатларнинг таълимий Керакли материал: самарасига асосланган. Ролли ўйинлар мазмунини кишилар - орасидаги (инсон-инсон) фаолияти орқали амалга ошадиган инсонлар муносабати ташкил этади.

### 3.2. Кейс-стади (Cage-studu)

#### Ўқитиш мақсадлари :

Сессия якунида ўқувчилар билиб оладилар:

- Кейс-стади методини амалда қўллашни.
- Кейс-стади методини назарий жиҳатдан ўрганадилар .

**Фаолият :**

#### **1. Муаммони аниқлаш (20 дақиқа)**

**Гуруҳ Пазл методида 4 га бўлинади. Барча Керакли материал:**  
**жамоага бир муаммо ташланади: «МТМларга -4 та турли катта расм ёки**  
**болаларни қамраб олинишидаги муаммоларни** **открытка**  
**барчасини санаб беринг.»** **-Ҳар бир катта расм ёки**  
**Жамоалар тақдимоти ўтказилади.** **открытканинг кичик шаклидан**  
**5 тадан**  
**-4 хил рангда маркер**  
**-Флип, скоч**

Гуруҳни Пазл методида 4 га бўлиш: 4 та турли катта расм ёки открытка, ҳар бир катта расм ёки открытканинг кичик шаклидан 5 тадан бўлади.

Катта расм (открытка) столга қўйилади, иштирокчилар кичик расмдан биттадан оладилар ва шу расмнинг каттаси қайси столга қўйилган бўлса, ўша столга бориб ўтирадилар. Шу тариқа гуруҳ 4 та кичик жамоаларга бўлинади.

Барча жамоаларга бир муаммо ташланади: «МТМларга болаларни қамраб олинишидаги муаммоларни барчасини санаб беринг.»

Ҳар бир жамоа муаммоларни тақдимотда санаб ўтадилар.

#### **3. Муаммо таҳлили (30 дақиқа)**

**Аниқланган муаммолар ичидан энг муҳимини Керакли жиҳозлар:**  
**ажратиш вазифаси ўқитувчи томонидан жамоаларга -4 хил рангда маркер**  
**берилади. Жамоалар ушбу муаммонинг келиб -Флип, скоч**  
**чиқиш сабабларини аниқлашлари ҳамда ушбу Тарқатма материал:**  
**муаммони ҳал қилиш ечимларини излаб топишлари -2.а. Ҳар бир гуруҳга**  
**лозим. муаммонинг таҳлил**  
**Жамоалар тақдимоти. жадвали**

Ҳар бир жамоа муаммолар ичидан энг муҳим деб ҳисоблаганини ажратиб олади.

Ҳар бир жамоа энг муҳим деб ҳисоблаган муаммонинг келиб чиқиш сабабларини аниқлайди ва ушбу муаммони ҳал қилиш ечимларини излайди ва топади.

Ҳар бир жамоа тақдимотда улар танлаган муаммонинг муҳимлигини тушунтириб, келиб чиқиш сабабларини ва уни бартараф қилиш йўллари кўрсатиб берадилар.

#### **3. Мустақил фаолият: Кейс-стади методи (30 дақиқа)**

**Ўқувчиларга Кейс-стади методи қондасини ўқиб Керакли материал:**  
**чиқиш вазифаси юклатилади. Кейс-стади методи -4 хил рангда маркер**  
**назарияси бўйича олинган билимларни -Флип, скоч**  
**йўналтирувчи саволлар орқали текширилади.**  
**Умумий хулоса ясалади.**

**Тарқатма материал:**  
**-3.а. Кейс-стади методи**  
**назарияси**

Ҳар бир иштирокчига **Кейс-стади** методи бўйича маълумот берилади, улар ўқиб ўрганиб чиқадилад. **Кейс-стади** методи назарияси бўйича олинган билимларни қуйидаги йўналтирувчи саволлар орқали текширилади:

**а. Кейс-стади методини ўқув машғулотининг қайси босқичларида қўллаш мумкин?**

**б. Кейс-стади методини яна қандай ҳолларда қўллаш мумкин?**

**в. Кейс-стади методининг афзалликлари нимада?**

**г. Кейс-стади методининг камчилиги нимада деб ҳисоблайсиз?**

**Умумий хулоса (10 дақиқа)**

Ўқувчиларнинг ўқишга бўлган қизиқишни орттириш, дидактик-ўйин, ўқув мунозаралари, ўқувчиларнинг таҳсил олишдаги бурч ва масъулиятини шакллантириш методларига мансуб бўлиб, улар қуйидагича:

а) ўқишга бўлган қизиқишни орттириш методлари ўқувчиларда ижобий ҳиссиётни вужудга келтириш, қизиқарли аналогиялардан фойдаланиш, таажубланиш эффекти, билиш қувончини вужудга келтириш, ўқувчиларни рағбатлантириш ва танбеҳ бериш услуги.

б) дидактик ўйин методи, ўйин сюжетини танлаш, ўйин вазиятларини вужудга келтириш, ўқув-билишга оид ўйинларни танлаш, ўқувчиларни рағбатлантириш услуги.

в) ўқув мунозаралари методи ўқув баҳсларини келтириб чиқарадиган вазиятни яратиш, илмий баҳсларни вужудга келтириш. Ўқувчиларни муваффақиятларга йўллаш, ўқувчилар фикрини баён қилиши, улар жавобидаги хатоларни тўғрилаш, ўқувчиларни рағбатлантириш услуги.

д) ўқувчиларнинг таҳсил олишдаги бурч ва масъулиятини шакллантириш методи таълим-тарбиянинг ижтимоий аҳамиятини тушунтириш, ўқув талабларини қўйиш, ўқитишда рағбатлантириш ва танбеҳ бериш каби услубларни мужассамлаштиради.

## **8. Дидактик ўйинлар турлари ва мақсадари**

Дидактик ўйинлар технологиялари ўқувчи фаолиятини фаоллаштириш ва жадаллаштиришга асосланган. Улар ўқувчи шахсидаги ижодий имкониятларни рўёбга чиқаради ва ривожлантиришнинг амавий ечимларини аниқлаш ва амалга оширишда ката аҳамиятга эга.

Дидактик ўйинларнинг асосий турлари: **интеллектуал (ақлий) ва ҳаракатли ҳамда аралаш ўйинлардан** иборат. Бу ўйинлар иштирокчиларда **ақлий, жисмоний, ахлоқий, психологик, эстетик, бадий, тадбирлик, меҳнат** ва бошқа кўникмаларни ривожлантиришга ёрдам беради.

Таълим-тарбия жараёнида асосан ўқувчиларда таълим олиш мотивларини, уларнинг турли йўналишдаги қобилият ва қизиқишларини оширадиган, бирор касбга мойилликларини кўрсатадиган дидактик ўйинлардан фойдаланилади. Дидактик ўйинлар **назарий, амалий, жисмоний, роли, ишчанлик ва бошқа йўналишлар бўйича** турларга ажратилади. Ҳозирда компьютер воситасидаги дидактик ўйинлар алоҳида аҳамиятга эга.

Дидактик ўйинлар ўқувчиларда **таҳлил қилиш, мантиқий фикрлаш, тадқиқ қилиш, ҳисоблаш, ўлчаш, яшаш, санаш, кузатиш, солиштириш, хулоса чиқариш, мустақил қарор қабул қилиш, гуруҳ ёки жамоа таркибида ишлаш, ахлоқ-одоб ўргатиш, нутқ ўстириш, тил ўргатиш, янги билимлар ўргатиш ва бошқа фаолият турларини ривож-лантиришга** йўналтирилган ўйинларга ажратилади.

Дидактик ўйинлардан алоҳида фойдаланиш орқали бошқа усуллар ёрдамида эришиш қийин бўлган таълим-тарбиявий мақсадларни амалга ошириш кўзда тутилади. Турли ўқув

фанларига оид дидактик ўйинлар мавжуд бўлиб, улар шу фанларни сифатли ўргатиш мақсадларига хизмат қилади.

Умумий ўйинлар назариясига кўра, мавжуд барча ўйин турларини таснифлашда уларни **функционал, мавзули, конструктив, дидактик, спорт ва ҳарбий ўйинларга** ажратилади. Буларнинг орасида **дидактик ўйинлар** алоҳида аҳамиятга эга. Ўйинлар мактаб ёшидаги болаларнинг асосий фаолият шакли ҳисобланали. Бу эса педагог ва психолог олимлар томонидан шу ёш давридаги ўйинларнинг таълим-тарбиявий аҳамиятини ўрганиш ва янада ошириш бўйича тадқиқотлар олиб борилишига асос бўлади.

Натижада, олдинги асрнинг 60 –йиллари бошидан АҚШда, сўнгра бошқа ғарб мамлакатларида ишчанлик ўйинлари қўлланила бошлади. Ишчанлик ўйинлари тадқиқотчилари бу усулни энг асосий, самарали ва тежамли таълим методларидан иборат деб таъкидлаганлар.

Дидактик ўйинларнинг яна бир тури – **ақлий ҳужум усулини** биринчи марта **1939 йилда А.Ф.Осборн** қўллаган. Бу усулни **ғоялар банки** деб номлаган. У муаммоларни қуйидагича ечишга асосланади:

-муаммоли вазият яратиш:

-ғояларни шакллантириш:

-энг яхши ғояларни текшириш, баҳолаш ва уни ечиш бўйича иложи бориша кўп, баъзан, батамом қутилмаган ғояларни бериш учун энг қулай шароит яратилиши ақлий ҳужум машғулоти самарадорлигини белгилайди.

### **Дидактик ўйин технологиялари амалга ошириладиган айрим ноанаънавий дарс шакллари**

**Ишчанлик ўйини дарси** — дарс мавзуси бўйича масалаларни ҳал этиш жараёнида ўқувчиларнинг **фаол** иштирок этишини таъминлаш орқали янги билимларни ўзлаштиришиш мумкин.

**Ролли ўйин дарси** — дарс мавзуси бўйича масалаларни ўрганишда ўқувчиларга олдиндан маълум ролларни тақсимлаш ва дарс жараёнида шу ролни бажаришларини ташкил этиш асосида билимларни мустаҳкамлаш дарси.

**Театрлаштирилган дарс** — дарс мавзуси билан боғлиқ сахна кўринишлари ташкил этиш орқали дарс мавзуси бўйича чуқур, аниқ маълумотлар бериш дарси.

**Компьютер дарси** — тегишли ўқув фани бўйича дарс мавзусига доир компьютер материаллари (мультимедиа, виртуал ўқув курси ва шу кабилар) асосида ўтиладиган дарс.

**Ким ошди савдоси дарси** — ўқув фани айрим бўлими бўйича билимларни ҳар бир ўқувчи қанчалик кўп билишини намойиш этиш дарси.

**Ярмарка дарси** — дарс мавзусини бўлақлар бўйича олдиндан ўзлаштиришган ўқувчиларнинг ўзаро мулоқот асосида синфга қизиқарли тушунтириш орқали ўтиладиган дарс.

**Формулалар дарси** — ўқувчиларнинг формулаларни пухта ўзлаштиришишлари бўйича турли ўйинлар шаклидаги манлар ўтказиш дарси.

**Ўйин дарси** — дарс мавзусига мос ўйин орқали ўқувчиларнинг ўзлаштиришишларини ташкил қилиш дарси.

**«Суд» дарси** — ўқувчилар билан дарс мавзусига мос «суд» жараёнини ташкил этиш орқали янги мавзунини тушунтириш дарси.

**Концерт дарси** — дарс мавзусини сахналаштирган ҳолдаги концерт шаклида ифодалаш машқлари бўлиб, ўқувчиларни **фаоллаштириш ва билимини мустаҳкамлаш** имкониятини беради.

**«Терговни билимдонлар олиб боради» дарси** — дарс мавзусини олдиндан пухта ўрганган ўқувчилар ёрдамида қизиқарли савол-жавоблар, таҳлиллар асосида исботлаб тушунтириш матнлари бўлиб, бунда ўқувчилар дарс мавзусини ўзлаштириб, эслаб қолишлари учун қулайлик яратилади.

**Интеграл (интеграциялашган) дарс** — бир нечта фанларга доир ва интеграциялаш учун қулай бўлган мавзулар бўйича ташкил қилинган дарс бўлиб, ўқувчиларнинг турли фанларга қизиқишларини орттириб, таълим жараёнидаги **фаолликларини** таъминлайди.

Бундай дарслар ўқувчиларга фанлараро боғлиқликни ўргатиш орқали уларда олам тузилишининг илмий асосларини тўлиқ идрок этиш, илмий дунёқарашларини шакллантириш, ижодий тафаккурларини ривожлантиришга хизмат қилади.

**«Муъжизалар майдони» дарси** — ўқувчилар билан ўтказиладиган қизиқарли ўйин бўлиб, турли саволларга белгиланган вақт давомида турли жавоблар топиш ва ғолибларни рағбатлантириш орқали ўқувчиларда фикрлаш, топқирлик, зийраклик ва билимларини кенгайтириб бориш сифатларини шакллантиради.

### **Биология дарсларида дидактик ўйин технологияларидан фойдаланиш дарс самарадорлигини оширишга имкон беради.**

Маълумки, ўқувчиларнинг билиш фаолияти ўйин фаолияти билан уйғунлашган дарслар дидактик ўйинли дарслар дейилади.

Дидактик ўйинли технологиялар ўқувчиларнинг билим олиш фаолиятини ўйин фаолияти билан қўшиб олиш боришдан иборат. Дидактик ўйинлар **мусобақа, рақобат, ўзаро ёрдам, ҳамкорлик** тарзида олиб борилади. Бунинг учун ўқитувчи дидактик ўйиндан кўзда тутилган мақсад, уни амалга ошириш йўллари, ўйин мазмуни ва иштирокчилари фаолиятини аниқлаб олади. Дидактик ўйин дарслари таълим ва тарбия бериш, ўқувчилар фаолиятини йўналтириш, касбга йўналтириш, ўқувчиларнинг мулоқат ва нутқ маданиятини ривожлантириш, улар билимларини чуқурлаштириш ва шахсни ривожлантириш вазифасини бажаради.

Дидактик ўйинли дарсларни мазмунига кўра **сахналаштирилган ролли ўйинлар, ижодий ишбилармонлик ўйинлари, конференция ва ўйин машқли** дарсларга ажратиш мумкин.

**Дидактик ўйинли дарсларнинг сюжетли-ролли, ижодий, ишбилармонлар, конференциялар ва ўйин машқлар** каби турлари бор.

Мазкур дарсга ҳамма ўқувчилар улар қайси ролни бажаришидан қатъий назар қизқин тайёргарлик кўриши лозим.

#### **Дидактик ўйинларни амалда қўллаш шарт- шароитлари**

Дидактик ўйинларни танлашда иштирокчиларнинг ёши, билими ва тарбияланганлик даражаси ҳисобга олинади. Ҳар бир дидактик ўйин машғулотларига ўзига хос хавфсизлик талаблари қўйилади. Бу хавфсизлик талабларига тўлиқ риоя қилиниши ҳар бир ташкилотчининг доимий эътиборида бўлиши лозим.

Бундан ташқари ҳар бир дидактик ўйин учун сарфланадиган вақт миқдорини турли белгилаш ва унга риоя қилишнинг ўзига хос асосларини билиш ва дарснинг мақсадига мувофиқ қўллаш талаб қилинади.

Дидактик ўйин турларини танлаш мезонлари:

— иштирокчилар таркиби бўйича - ўғил болалар, қиз болалар, ўсмирлар, катта ёшдагилар учун ўйинлар;

— иштирокчилар сони бўйича - якка, жуфтликда, кичик гуруҳ, катта гуруҳ синф жамоаси, рақобатдош командалар, синфлараро ва оммавий ўйинлар;

— ўйин жараёни бўйича - фикрлаш, ўйлаш, топағонлик, ҳаракатлар, мусобақа ва бошқаларга йўналтирилган ўйинлар;

— вақт меъёри бўйича - дарс, машғулот вақтининг режа бўйича ажратилган қисми, ўйин мақсадига эришгунча, ғолиб ёки ғолиблар аниқлангунча давом этадиган ва бошқа ўйинлар.

## **Дидактик ўйинлар воситалари, уларни тайёрлаш ва машғулотлар самарадорлигини ошириш омиллари**

Ҳар бир дидактик ўйин жараёнида ўзига хос воситалар турлари қўлланилади ва машғулот жараёнида улардан турли, унумли ва хавфсиз фойдаланиш лозим. Бу воситаларни куйидаги турларга ажратиш мумкин:

— канцелярия товарлари - турли ўлчамлардаги оқ ва рангли қоғозлар, скотч, фломастерлар, ручка, қалам, чизгичлар, қайчи, елим ва бошқалар;

— техника воситалари - проектор, микрофон, компьютер; видеокамера, видеоманитофон, телевизор ва бошқалар;

— ўқув асбоб-ускуналари - ўқув лаборатория ва устахона жиҳозлари, ўлчов асбоблари, ўқув приборлари, мослама, механизм, модель ва бошқалар;

— маҳаллий ва табиий материаллардан тайёрланган воситалар.

Дидактик ўйинлар ташкилотчилари улар учун ишлатиладиган ҳар бир материал билан ишлаш, улардан тегишли дидактик воситаларни тайёрлаш ҳамда хавфсизликни таъминлаш технологияларини пухта билишлари ва риоя қилишлари лозим. Чунки дидактик воситаларнинг сифати, кўзда тутилган мақсадларга мослиги, қулайлиги ва улардан турли фойдаланиш машғулотлар самарадорлигини оширишга ижобий таъсир кўрсатади.

### **Дидактик ўйин турларини тайёрлаш ва амалда бўйича машқлар бажариш**

Мактабда ҳар бир ўқитувчи айрим турдаги дидактик ўйин машғулоти ўқув материалларини амалда қўллаш учун тайёрлашини ташкил қилиш методик фаолиятнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Бунда ўқитувчилар ўзмутахассислик фанлари бўйича ўзлари танлаган мавзудаги дарсни энг мақсадга мувофиқ дидактик ўйин турларидан фойдаланиб ўтказиш юзасидан дарс ишланмаси тайёрлашлари ва унинг асосида метод бирлашма мажлисида шу машғулотни баён қилиб беришлари ва тегишли муҳокамалар ўтказиб борилиши тавсия қилинади.

### **Дарс ишланмаси**

**1. Дарснинг мақсади:** Ўқувчиларнинг назарий билимларини амалий кўникма ва малакаларга айлантириш, уларда таълимий фаолликни юзага келтиришда ролли, дидактик ўйинларни ўрни ва аҳамияти тўғрисидаги билимларини ривожлантириш.

**2. Дарсдан кутиладиган натижа:** Дарслар учун ролли, дидактик ўйин топшириқларини тайёрлайдилар ва улардан дарс жараёнида фойдалана оладилар.

**3. Дарс тури:** маъруза-сухбат.

**4. Дарс босқичлари ва дарс тақсимоли:** 45 дақиқа.

I. Ташкилий қисм – 2 дақиқа.

II. дарсларда ролли, дидактик ўйинларни қўллаш усуллари – 20 дақиқа.

III. Дарслар учун ролли, дидактик ўйин топшириқларини тайёрлаш – 18 дақиқа.

IV. Дарсга яқун яшаш – 5 дақиқа.

**5. Ўқув жараёнининг мазмуни:**

**Метод:** Ролли, дидактик ўйинлар.

**Форма:** индивидуал, гуруҳларда.

**Усул:** оғзаки, ёзма, тақдимот;

**Баҳолаш:** рейтинг тизимида.

**Уйга вазифа:** кейинги ўтиладиган мавзуга тайёрланиш. Мавзуга доир адабиётлар билан танишиш.

**Дарс жараёни:**

**I. Ташкилий қисм – 5 дақиқа.**

1. Саломлашиш. 2. Давоматни текшириш. 3. Дарсни белгиланган талаблар асосида ташкил этиш. 4. Тингловчиларнинг мавзуга доир тушунчаларини аниқлаш ва янги мавзу мақсади ва дарсдан кутиладиган натижалар билан таништириш.

**II. Дарсларда ролли, дидактик ўйинларни қўллаш усуллари – 20 дақиқа.**

## Сухбат матни

Ҳозирги кунда таълимни ташкил этишда ролли ўйинлардан самарали фойдаланишга эътибор берилмоқда. Ўйин чоғида маҳсулдор эмас, балки жараёни фаолият ташкил этилганлиги боис ўқувчилар тасвирий вазиятларни яратиш асосида ўзларининг атроф-муҳитга бўлган муносабатларини табиий намоён эта оладилар. Ўйинли фаол фаолият эса уларнинг ижодий имкониятларини ошириб, тафаккурини ривожлантиришга ёрдам беради. Ўқувчиларнинг назарий билимларни амалий кўникма ва малакаларга айлантириш, уларда таълимий фаолликни юзага келтириш, уларни ижтимоий муносабатлар жараёнига кенг жалб этишда ролли ўйинлар ўзига хос ўрин тутади.

Ўйин технологиялари таълим самарадорлишни таъминлаш, ўқувчиларда фаолликни юзага келтириш, билим, кўникма, малакаларни шакллантириш, вақтни қисқартириш, таълимни жадаллаштиришга ёрдам беради.

Ўйин жараёнида намоён бўлувчи психологик хусусиятлар ҳар ўқувчига шахсий имкониятларини намоёйиш эта олиш имконини беради, уларнинг ижтимоий ҳаётда эгаллаган ўрнини барқарорлаштиради, уларда ўз-ўзини бошқариш кўникмаларини ҳосил қилади.

Ўйин технологиялари назарий билимларни мустаҳкамлаб, амалий кўникмаларнинг малакаларга айланишини таъминлаб қолмай, ўқувчиларда муайян ахлоқий, иродавий сифатларни ҳам тарбиялайди.

Ўйинларни ташкил этиш мақсадлари қуйидагилардир:

таълимий (дидактик) мақсад;

тарбиявий мақсад;

фаолиятни ривожлантиришга йўналтирувчи мақсад.

Ролли ўйинларнинг муваффақиятли ташкил этилиши учун бир қатор шартларга амал қилиш зарур. Улар қуйидагилардир:

жамоа аъзолари ўртасида самимий муҳитни қарор топтириш;

ўйин жараёнида қатъий талаблар қўйилишини инкор этиш;

ўқитувчи ва ўқувчиларнинг эркин, бемалол, ўзига ишонган ҳолда, хотиржам ҳаракат қилишларига эришиш;

синфда қулай шароитнинг мавжуд бўлиши (шовкин даражасини назорат қилиш, ўқувчиларни чалғитувчи ҳаракатларни содир этмаслик);

синфда тартиб ва тинчликни сақлаш мақсадида ўқувчиларнинг ўйин фаоллигига таъсир қилмаслик.

Қуйида фаннинг ўқитиш жараёнида фойдаланиш мумкин бўлган ўйинлардан бир нечтасининг умумий лойиҳасини келтирамыз.

Витаминлар мавзусини сўраш жараёнида ролли ўйин технологиясидан фойдаланиш мумкин.

Ўқитувчи синфни 2 та гуруҳга ажратади. 1-гуруҳ: “Беморлар”, 2-гуруҳ: “Шифокорлар”. Шундан сўнг ўқитувчи “Беморлар” гуруҳидан бир ўқувчига секингина унда қайси витамин етишмаслигини айтади. Бемор ўқувчи унда етишмайдиган витаминни эшитгач: шу витамин етишмаган тақдирда инсонда қандай касаллик белгилари пайдо бўлишини эсга олиши ва шу белгиларни ўзида пайдо бўлганлигини 2-гуруҳдаги ўқитувчи танлаган ўқувчига айтиши керак. Шифокор уни диққат билан тинглаб, беморга ташхис

қўйиши яъни унда қайси витамин етишмаслигини аниқ айтиб, уни даволаш учун қандай озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиши кераклигини айтади. Кўриниб турибдики, бемор ролидаги ўқувчи ҳам шифокор ролидаги ўқувчи ҳам мавзунини чуқур билмасдан туриб ўз ролини бажара олмайди. Ролли ўйин давомида шундай ҳол бўлган тақдирда бу ўқувчи шу гуруҳдаги бошқа ўқувчи билан алмаштирилади. Албатта, бу гуруҳ ўрнини белгилашда салбий таъсир кўрсатади. Ўйин мавзуси доирасида режалаштирилган саволлар туғанига қадар давом этади.

#### **“Жумбоқ кўчаси” ўйини.**

Мио... д – эшитиш аъзосида нуқсон бўлган одамларга нисбатан қўлланиладиган атама, юракнинг ўрта қисми (Миокард – “кар”).

Эн... рд – боғлов материали, юракнинг ички эпителий қавати (Эндокард – “дока”)

Кор... ча – жониворларнинг, қушларнинг яшаш жойи, юрак камераси (қоринча – “ин”)

Диа... а – юксак ўсимликларни номлашда ишлатилади, юракнинг кенгайиши (Диастола – “тол”)

Ав... ияси – помидордан тайёрланадиган қуюқ озуқа, юракнинг маълум вақт давомида кенгайиб ишлаб туриши (Автоматияси – “томат”)

#### **“Давом эттиринг” ўйини**

Бу ўйинда 3 та ўқувчи қатнашиб, унинг бири ҳакамлик вазифасини бажаради. Ўқувчилар ўйинни умуртқасиз ҳайвонлар ёки умуртқали ҳайвонларнинг айрим синфлари бўйича ўтказишлари тавсия этилади. Ўйиннинг бу вариантыда ўйин айтилган ҳайвон номининг охириги ҳарфи билан бошланадиган ҳайвон номини айтиш йўли билан олиб борилади. Ушбу ўйинда ҳакамнинг қарори бўйича 1-ўқувчи енгилган ҳисобланади. Чунки, у “И” билан бошланган умуртқасиз ҳайвоннинг номини топа олмайди.

| 1-ўқувчи  | 2-ўқувчи |
|-----------|----------|
| Вольвокс  | Солитер  |
| Ришта     | Амёба    |
| Аскарида  | Асалари  |
| Инфузория | Яйдоқчи  |

Умуртқали ҳайвонлар билан ўйин ўйнашда “К” ҳарфи билан бошланадиган ҳайвонларни (масалан, сут эмизувчиларнинг вакиллари) ўқувчилар навбатма-навбат айтадилар.

“К” ҳарфи билан бошланадиган сут эмизувчилар

| 1-ўқувчи   | 2-ўқувчи  |
|------------|-----------|
| Каламуш    | Капуцин   |
| Кашалот    | Қараганка |
| Кийик      | Кенгру    |
| Кит        | Кирпи     |
| Кўршапалак | Кўрсичқон |
| Кабарга    |           |

Бу ўйинда ҳакам 2-ўқувчинини енгилган деб топади, чунки у “К” ҳарфи билан бошланган навбатдаги сут эмизувчи ҳайвоннинг номини айта олмайди.

#### **“Билагонлар” ўйини**

1. Капалақдек қуш? - (Колибр – унинг 500-600 таси 1 кг бўлади)
2. Митти полвон? - (Ари - 52, асалари – 24, пасаллус қўнғизи – 850 ҳисса катта юкни кўтариб юриши мумкин.
3. Баҳор маликаси? – (Лола)
4. Орқаси ва ёнига учувчи қуш? - (Колибр)
5. Ҳайвонлар неча йил яшайди?
  - а) мох (10 йил)

- б) дуб (2500 йил)
- в) нок (300 йил)
- г) олма (200 йил)
- д) уй товуклари (30 йил)
- е) от (60 йил)
- ж) маймун (50 йил)

### **III. Биология дарслари учун ролли, дидактик ўйин топшириқларини тайёрлаш**

Тингловчилар кичик гуруҳларда ролли, дидактик ўйин тарқатмаларини тайёрлайдилар ва унинг тақдиротини ўтказадилар.

### **IV. Дарсга яқун яшаш – 5 дақиқа.**

Ўқитувчи машғулоти мақсади ва натижаларини тингловчиларга эслатади, уларни қай даражада амалга оширилганлигини аниқлайди. Фаол тингловчиларни рейтинг тизимида баҳолайди ёки рағбатлантиради. Машғулотида яқун ясайди.

**Уйга вазифа:** кейинги ўтиладиган мавзуга тайёрланиш. Мавзуга доир адабиётлар билан танишиш.

### ***“Хар ким – ҳар кимга ўргатади” технологиясидан биология дарсларида фойдаланиш***

**“Хар ким ҳар кимга ўргатади”** услуби ўқувчиларга ўргатувчига айланиш, маълум билимларни ўзлаштиргач, ўртоқлари билан баҳам кўриш имконини берувчи ўқитиш услубидир. Бу услубнинг мақсади ўқувчиларга ўқитиш жараёнида зарур бўлган ахборот максимумини бериш, айтиш пайтида ўқувчида ахборот олиш ва беришга қизиқиш уйғотишидир. Шунингдек, ахборот ҳажмини олган ўқувчи маълум вақт давомида уни иложи борида кўпроқ ўртоқларига етказди.

**Қўлланилиши.** Ўқувчиларга ахборот олиш ва беришга қизиқиш уйғотиш учун. Мавзунинг диққат билан эшитиш ва эслаб қолиш учун.

**Афзаллиги.** Ўз фикрини қисқа баён этиши. Тинглаш ва эслаб қолиш даражасини ривожлантириши. Фанга ёки мавзуга бўлган қизиқишини уйғотиши.

### **“БББ” методи ҳақида.**

Ушбу жадвал билан ишлаш иши маълум ўқув материални ўқиш вақтида амалга оширилади:

| Биламан | Билишни хоҳлайман | Билиб олдим |
|---------|-------------------|-------------|
|         |                   |             |

Биринчи устунга ўқувчи мавзу ёки муаммо бўйича билладиган барча нарсалар ёзилади. Иккинчи устунга эса ўқувчи билишни хоҳлайдиган маълумотлар ёзилади. Учинчи устунга эса мавзу ўрганилгандан сўнг билиб олган маълумотлар, билимлар ёзилади.

**Фойдаланиш доиралари.** Маълумотлар билан ишлаш стратегияси сифатида, фойдаланиш мумкин.

**Афзалликлари.** Маълумот билан мустақил ишлаш кўникмаларини ривожлантиради, саволларни ифодалаш қобилиятини шакллантиради, тадқиқотчилик ишлари бўйича дастлабки кўникмаларни беради.

Зоология фанидан “Сут эмизувчиларнинг ташқи тузилиши” мавзуси мисолида технологиянинг дарс жараёнида қўллаш тавсифи берилади.

**24-мавзу: “Блиц-сўров”, “Рақамли диктант” технологиясидан биология дарсларида фойдаланиш**

**“Блиц”** технологияси педагогикада тезкор, бир зумлик маъносида ишлатилади. Унда саволнинг қисқалиги ва жавобнинг қисқалиги муҳим ўрин эгаллайди. Бу технологияда ўқувчиларга ўрганилган бутун мавзу ва унинг маълум қисмининг асосий тушунчалари ва таянч иборалари бўйича тузилган саволларга жавоб (оғзаки, ёзма, жадвал, диаграмма) кўринишида таклиф этилади.

**Технология ўқувчиларни мантикий фикрлашга, керакли маълумотларни танлаб олишни ўргатишга асосланган. Унда ўқувчи ўз фикрини бошқаларга ўтказа олади. Чунки технология шунга шароит яратади.**

Методнинг тавсифи, мақсади, қўлланилиши. Керакли тарқатмаларни тайёрлаш. Машғулот учун мавзу танлаш. Ботаника фанидан “Ўсимликлар систематикаси”, зоология фанидан “Хайвонлар классификацияси” мавзулари мисолида қўлланилиш тавсифи.

“Ақлий ҳужум” – синфдаги ҳар бир ўқувчи олдида ўқитувчи қўйган савол ёки муаммо юзасидан ўз фикрини баён этишга имкон берувчи ўқув услубидир. Унинг моҳияти “Бир калла яхши, йигирматаси ундан яхши” принципи бўйича ўқитувчи томонидан белгиланган муаммо юзасидан эҳтимол тутиладиган ҳамма фикрлар вариантлари бир ерга жамлай олишда бўлиб, истесно тариқасида таълим олувчиларнинг барча фикрлари, шу жамладан, айтирли тўғри бўлмаганлари ҳам инобатга олинади.

**Афзаллиги.** Айтилган фикрлар танқид қилинмайди ёки баҳоланмайди. Ўқувчининг илмийликка чуқурроқ жалб қилиниши таъминланади. Барчага ўз фикрини баён этиш имконияти берилади.

**Қўлланилиши.** Мавзунинг ёритишда эркин фикрлайди. Муаммони ҳал қилиш қобилиятини оширишда, ўқувчиларнинг фаоллигини оширишда, фанга кириш ва асосий мавзу мазмунини билиб олишда.

### **“АҚЛИЙ ҲУЖУМ” МЕТОДИДАН БИОЛОГИЯ ДАРСЛАРИДА ФОЙДАЛАНИШ**

**1. Мавзуга доир таянч тушунча ва иборалар:** “Ақлий ҳужум” методининг моҳияти, дарсда қўлланилиши, афзалликлари.

**2. Дарснинг мақсади:** Тингловчилар “Ақлий ҳужум” методининг моҳиятини, биология дарсларида қўлланилишини билиб оладилар.

**3. Дарсдан кутиладиган натижа:** Биология дарсларида “Ақлий ҳужум” методидан мақсадли фойдалана оладилар.

**4. Дарс тури:** амалий машғулот.

**5. Дарс босқичлари ва дарс тақсимоти:** 80 дақиқа.

I. Ташкилий қисм – 5 дақиқа.

II. “Ақлий ҳужум” методи ва унинг моҳияти – 10 дақиқа.

III. 6-синф “Ботаника” дастуридаги “Ўсимликларга одам фаолиятининг таъсири”, “Ўсимликларни муҳофаза қилиш – халқ иши” мавзусида “Ақлий ҳужум” технологиясининг қўлланилиши билан танишиш – 20 дақиқа.

IV. “Ақлий ҳужум” топшириқларини ёзма тайёрлаш ва тақдиротини ўтказиш – 40 дақиқа.

V. Дарсга якун яшаш – 2 дақиқа.

**6. Ўқув жараёнининг мазмуни:**

**Метод:** “Ақлий ҳужум”

**Форма:** жамоада, кичик гуруҳларда;

**Усул:** оғзаки, ёзма;

**Баҳолаш:** рейтинг тизимида.

**Уйга вазифа:** кейинги ўтиладиган мавзуга тайёрланиш. Мавзуга доир адабиётлар билан танишиш.

**Дарс жараёни:**

**I. Ташкилий қисм – 5 дақиқа.**

1. Саломлашиш. 2. Давоматни текшириш. 3. Дарсни белгиланган талаблар асосида ташкил этиш. 4. Тингловчиларнинг мавзуга доир тушунчаларини аниқлаш ва янги мавзу мақсади ва дарсдан кутиладиган натижалар билан таништириш.

**II. “Ақлий ҳужум” методи ва унинг моҳияти – 10 дақиқа.**

Суҳбат матни:

“Ақлий ҳужум” синфдаги ҳар бир ўқувчи олдида қўйилган савол ёки муаммо юзасидан ўз фикрини баён этишга имкон берувчи услуб. Услуб моҳияти: “Бир калла

яхши, йигирма биттаси ундан яхши” принципи асосида ўқитувчи томонидан қўйилган муаммо юзасида ҳамма фикрлар варианти бир ерга жамлай олишда бўлиб, ҳамма фикрлар ҳатто тўғри бўлмаганлари ҳам инобатга олинади.

**Қўлланилиши:**

- савол топшириқ ёки муаммони ҳил қилишда фикрларни эркин айтишда;
- муаммони ҳал қилиш қобилиятларини оширишда;
- ўқувчилар фаоллигини оширишда;
- фанга кириш ва асосий мазмунини билиб олишда.

**Афзаллиги:**

- айtilган фикрлар танқид ва муҳокама қилинмаслиги;
- ўқувчиларнинг мазмуннинг илмийлигига чуқурроқ жалб қилиниши;
- белгиланган вақт доирасида барча хохловчиларга ўз фикрларини баён этиш имкониятини берилиши.

**III. 6-синф “Ботаника” дастуридаги “Ўсимликларга одам фаолиятининг таъсири”, “Ўсимликларни муҳофаза қилиш – умумхалқ иши” мавзусида “Ақлий ҳужум” технологиясининг қўлланилиши билан танишиш – 20 дақиқа.**

Тингловчилар иккита гуруҳга бўлиниб, тарқатма – 1 ни ўрганиб чиқади ва гуруҳ хулосалари тўғрисида мақдмотни ўтказадилар.

**Тарқатма 1.**

“Ботаника” дастуридаги “Ўсимликларга одам фаолиятининг таъсири. Ўсимликларни муҳофаза қилиш умумхалқ иши” мавзусида “Ақлий ҳужум” технологиясининг қўлланилиши.

Бу мавзу умумий мавзулар жумласига кириб, ўқувчиларнинг мавзуга доир билимлари, кўникмалари (дастлабки) бор. Бугунги дарсда ўқитувчи мавзунинг асосий хусусиятларини очиши керак. Ёрдамчи тушунчаларни эса, ўқувчиларнинг ўзлари айтишлари талаб этилади. Шу сабабли ўқитувчи янги мавзунинг доскасининг ўртасида ёзади. Шундан сўнг синф ўқувчиларини икки гуруҳга ажратади. Гуруҳларни ташкил этишда ўқувчиларнинг билими, мулоҳазалилиги, қобилияти инобатга олиниб, уларнинг икки гуруҳга тенг тақсимланишига эътибор қаратилади.

**1-топшириқ:** Ўқитувчи доскага ёзилган мавзуга доир билимларини ёзма равишда баён қилиш топширигини беради. Ҳар бир гуруҳдаги ўқувчи мустақил фикр, мулоҳазаларини қисқа, аниқ бир варақча ёритади. Топшириқ учун 5 дақиқа вақт ажратилади.

**2-топшириқ:** Ҳар бир гуруҳ ўз сардорини сайлайди. Гуруҳ сардорининг раҳбарлиги остида ҳар бир ўқувчининг жавоблар варақаси ўрганилиб, мавзуга доир умумлаштирилган иккинчи жавоб варақаси тайёрланади ва тақдирот қилади.

Доскадаги икки гуруҳнинг ёзма (оғзаки) тақдироти ўрганилиб таҳлил қилинади ва мавзуга доир асосий тушунчалар варақасининг учинчи варианти тайёрланади.

**3-вариант асосий тушунчалари:**

1. Она табиатни севиш ва унинг бойликларини асраш.
2. Табиий ёдгорликларга инсон муносабатини ўзгартириш.
3. Табиатга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш.
4. Мактабда ўтказиладиган кўкаламлаштириш ҳафталигида актив фаолият кўрсатиш.
5. “Қизил китоб” га киритилган ўсимлик ва ҳайвонларни яхши билиш ва уларга нисбатан ўз муносабатини билдириш.
6. Тупроқ, сув, ҳаво сифатини яхшилашга ўз хиссаларини қўшиш.
7. Табиий бойликларни асрашга ўз хиссасини қўшиш.

Шундан сўнг ўқитувчи дарс давомида айtilган умумий хулосаларга асосланиб якунлови хулосаларини айтишни сўрайди. Синф доскасида қуйидаги ёзувлар ёзилади.

**“Умуминсоний экологик маданиятни ошириш” га интилиш, бу борада ўз имкониятларидан келиб чиқиб, амалга оширилиши керак бўлган ишларга ўз хиссасини қўшиш.**

Дарс ўқитувчининг доскадаги фикр - ҳар бир ўқувчининг шиорига айланишини таъкидлаган ҳолда уйга вазифа: -ўзингиз бу мавзуда нималар қилгансиз ёки қилмоқчисиз (аниқ фактлар асосида) маълумот тайёрлаб келишларини айтиш билан якунланади.

**IV. “Ақлий хужум” топшириқларини ёзма тайёрлаш ва тақдимотини ўтказиш – 40 дақиқа.**

Тингловчилар индивидуал ҳолда ўзлари танлаган мавзу учун “ақлий хужум” нинг тахминий лойиҳасини тузадилар.

**V. Дарсга якун ясаш – 2 дақиқа.**

Хулоса: “Ақлий хужум” методида - дарсда ўқувчи фикрининг танқид қилинмаслиги, уни фаоллашишига, ўз фикрини эркин айта олишига сабаб бўлади. Бу эса ўқувчилардаги яширин, ривожланмаган қобилиятларнинг ривожланиши учун турки бўлади. Ўқитувчидан эса, бу қобилиятларни ривожлантириш талаб этилади.

**Уйга вазифа:** кейинги ўтиладиган мавзуга тайёрланиш. Мавзуга доир адабиётлар билан танишиш.

**1) “Тушунчалар таҳлили” услуби** Тингловчиларни машғулотда ўтилган мавзунинг эгаллаганлик ва мавзу бўйича таянч тушунчаларни ўзлаштириб олинганлик даражаларини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда эркин баён эта олиш, ўзларининг билим даражаларини баҳолай олиш, яқка ва гуруҳларда ишлай олиш, сафдошларининг фикрига ҳурмат билан қараш, шунингдек, ўз билимларини бир тизимга келтира олишга ўргатиш.

**2) “Зинама-зина” технологияси. Ўқув жарёнини лойиҳалаш (2 соат).**

Тингловчиларни эркин, мустақил ва мантиқий фикрлашга, жамоа бўлиб ишлашга, изланишга, фикрларни жамлаб улардан назарий ва амалий тушунча ҳосил қилишга, жамоага ўз фикри билан таъсир эта олишга, уни маъқуллашга, шунингдек, мавзунинг таянч тушунчаларига изоҳ беришда эгаллаган билимларини қўллай олишга ўргатиш.

**3) “Mindmapping – идрок харитаси” интерфаол услуби (2 соат).**

Ўқув материални тайёрлаш, тингловчиларга етказишга янгича ёндашув. Идрок харитасини яратиш техникаси. Идрок харитасининг ўқитувчи ва тингловчи фаолиятидаги аҳамияти.

**Тарқатма материаллар билан кичик гуруҳларда ишлаш ва тақдимот қилиш.**

Дидактик ўйинли дарсларнинг сюжетли-ролли, ижодий, ишбилармонлар, конференциялар ва ўйин машқлар каби турлари бор.

**дарсларида матбуот-конференциясидан фойдаланиш йўллари.**

Матбуот конференцияси синфдаги барча ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини фаол бўлиши билан характерланади. Ўқитувчининг матбуот конференцияси дарсига тайёргарлиги бир мунча мураккаброқ. Ўқитувчи матбуот конференциясини ўтказишдан бир ҳафта аввал синф ўқувчиларини икки гуруҳга бўлади. Уларнинг тахминан 30% паррандалар селекцияси соҳасида ишлаётган олимлар ва паррандачилик фабрикаларининг мутахассислари, қолганлари республикада нашр қилинадиган газета ва журналларнинг мухбирлари ролини бажарадилар.

Газеталардан республикада нашр қилинадиган “Ўзбекистон овози”, “Қишлоқ ҳақиқати”, “Халқ сўзи”, “Тошкент оқшоми”, “Туркистон”, “Тошкент ҳақиқати”, журналлардан “Фан ва турмуш”, “Қишлоқ хўжалиги”, “Саодат”, “Сиҳат-саломатлик”ни олиш мумкин.

Шундан сўнг, ҳар қайси газета ва журнал мухбирларининг матбуот конференциясида берадиган саволлари ўқувчилар ёрдамида тузилади. Бу саволлар муҳокама қилинаётган муаммони ҳар томонлама қамраб олиши керак.

Саволлар мазмуни муҳокамадан ўтгандан сўнг, газета ва журнал мухбирлари ва селекциячи олимлар роли ўқувчиларнинг хоҳишига кўра тақсимланади.

Ўқитувчи паррандачилик селекцияси билан шуғулланадиган олимлар ва мутахассислар ролини бажарадиган ўқувчилар билан алоҳида тайёргарлик ишларини олиб боради. Уларга қўшимча адабиётлардан фойдаланиш ва саволларга жавоблар топиш ҳақида кўрсатма беради. Саволларга бериладиган жавоблар қисқа, аниқ, илмий жиҳатдан асосланган, маҳаллий материалларни камраб олган бўлиши лозим. Ўқитувчи ана шу жавобларни олдин кўздан кечириши, агар уларда жузъий камчиликлар бўлса, уларни тўғрилаши, тўлдириши кераклигини ўқувчиларга топширади.

Мухбирлар ролини бажарадиган ўқувчилар ҳам саволларга жавоблар топиши олимлар ва мутахассислар билан мулоқотга кириши учун етарли даражадаги билимларга эга бўлишини таъминланиши керак.

Мазкур дарсга ҳамма ўқувчилар улар қайси ролни бажаришидан қатъий назар қизғин тайёргарлик кўриши лозим.

### **Дарс мавзуси: Паррандачилик**

**Дарснинг таълимий мақсади:** Ўқувчиларни парранда зотларининг хилма-хиллиги, паррандачилик саноати ва унинг аҳамияти билан таништириш.

**Дарснинг тарбиявий мақсади:** Ўқувчиларни парранда зотларининг хилма-хиллиги, паррандачилик саноатининг аҳамияти билан таништириш орқали уларнинг дунёқарашини кенгайтириш, экологик ва иқтисодий тарбия бериш.

**Дарснинг ривожлантирувчи мақсади:** Ўқувчиларни қушларнинг хилма-хиллиги ва аҳамияти ҳақидаги билимлари, дарслик ва қўшимча адабиётлар устида мустақил ишлаш кўникмалари, нутқ ва мулоқот маданиятини ривожлантириш.

**Дарсни жиҳозлаш:** Парранда зотларининг расмлари, тулумлари.

**Дарсда фойдаланиладиган технология:** Дидактик ўйин технологияси (матбуот конференцияси).

Дарснинг бориши:

Ташкилий қисм.

Ўқувчиларни дарснинг мавзуси, мақсади ва бориши билан таништириш.

**Матбуот конференцияси** дарси ўқитувчининг кириш сўзи билан очилади. У кириш сўзида дарснинг мавзуси, мақсади ва бориши билан ўқувчиларни таништириб, бугунги матбуот конференцияси қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоғи паррандачиликка бағишланишини, конферецияда иштирок этаётган селексионер олимлар, паррандачилик соҳасида тадбиркорлик билан шуғулланаётган мутахассислар, газета ва журналларнинг мухбирлари иштирок этаётганлигини қайд этади.

### **Матбуот конференциясини ўтказиш.**

Матбуот конференциясида мухбирлар ролини бажарётган ўқувчилар олимлар ва мутахассисларга қуйидаги саволлар билан мурожаат этишлари мумкин:

Республикамизда паррандачиликнинг қандай тармоқлари мавжуд?

Республикамизда товуқларнинг қандай зотлари боқилади?

Республикамизда тухум йўналишидаги қандай зотлар боқилади?

Паррандачиликнинг қандай аҳамияти бор?

Паррандачилик фабрикаларида паррандалар қандай озиклантирилади?

Товуқларнинг тухум қўйиши кун узунлигига боғлиқми? Паррандачилик фабрикаларида бу муаммоларни ҳал этиш учун қандай тадбирлар амалга оширилмоқда?

Жўжа очирish жараёни қандай амалга ошади?

Паррандачиликни ривожлантиришда наслдор паррандалар келтириб чиқариш муҳим роль ўйнайди. Уларнинг жўжалари қаерларда очилади?

Паррандачиликда товуқлар билан бир қаторда ўрдаклар ҳам боқилади. Уларнинг қандай зотлари бор?

Хонаки ғозлар ва куркаларнинг қандай зотлари боқилади ва улардан қандай маҳсулотлар олинади?

Олимлар ва мутахассислар бу саволларга жавоб берадилар.

Масалан, олимлар Республикамизда тухум йўналишидаги қандай зотлар боқилади? деган саволга қуйидагича жавоб беришлари мумкин:

Республикамизда тухум йўналишидаги паррандалардан рус оқ товуғи зоти боқилади. Бу зот Санкт-Петербург паррандачилиқ илмий-тадқиқот институтлари оқ легорн товуқларига австралгорн зотининг қонини қуйиш орқали чиқарилган. Қон қуйиш жўжа очиш мақсадда тўпланадиган тухумларни йиғишдан 2,5 ой олдин бошланган. Олинган дурагайларга ҳам бир кг масса ҳисобига 2,5 мл дан австролгорн зоти қони қуйилган. Бундан ташқари, ҳар йили зотдор хўрозлар ва товуқлар танланиб, сараланиши натижасида сермахсул ва ҳаётчанлиги юқори бўлган мазкур зот келтириб чиқарилади. Бу зотга мансуб товуқ ва хўрозларнинг ўртача вазни 3,7 кг,

Бундан ташқари товуқлари 5-6 ойда тухумга киради, битта тухумнинг вазни 69 г. бўлиб, товуқлар йилига 200-300 та тухум беради.

Тухум-гўшт йўналишидаги товуқ зотларига загорск, первомайск мисол бўлади. Улар орлов товуғини, оқ виандот ва род айланд зотлари билан қайта-қайта чатиштириш орқали чиқарилган. Узоқ вақт давомида, танлаш ва саралаш натижасида сермахсул ва юқори сифатли гўшт берадиган зот келтириб чиқарилади. Бу зотга мансуб товуқлар ва хўрозларнинг ўртача вазни – 2,5 - 4 кг, битта тухумнинг вазни - 69 г бўлиб, йилига 250 тагача тухум беради. Бу зотнинг афзаллиги шундаки, бизнинг республикамизда кўпайтириш ва боқиш мумкин.

Шу тариқа олимлар мухбирларнинг саволларига асосли жавоб берадилар.

Янги мавзуни қайта ишлаш. Ўқитувчи ўқувчилар билан биргаликда мавзунинг асосий мазмунини қайта ишлаб чиқиб, уларнинг умумий хулосалар чиқаришига ёрдам беради.

**Ўқувчиларни рағбатлантириш ва баҳолаш.**

Дарсда фаол иштирок этган “олимлар”, “мутахассислар” ва “мухбирлар” қайд этилади ва рағбатлантирилади.

**Дарсни умумий якунлаш.**

**Уйга вазифа бериш.**

Биз қуйида хўжаранинг тузилиши ва функциясига бағишланган ўйинли машғулотни таклиф қиламиз.

**Хўжайра органоидлари (ролли ўйин).**

**Маишгулотнинг мақсади:** Хўжайра органоидлари тузилиши ва функцияси, уларни ўзаро алоқаси ҳақидаги билимларни янада чуқурлаштириш, қайта тиклаш ва ривожлантириш.

**Маишгулотнинг бориши:** биринчи қисм савол-жавоб, иккинчи қисм хўжара органоидларининг ўз ҳаёт фаолияти ҳақида айтишуви, хулосалаш.

**Маишгулот жиҳозлари:** хўжара ҳаёт фаолиятини тасвирловчи расмлар, манглай қошлар, хўжара органоидларини акс эттирувчи расмлар.

Ўйин олдинги машғулотлар пайтида ёздирилган саволларни муҳокама қилишдан бошланди. Уни «**Мавзулараро ўйин**» тарзида олиб борилади.

Бу унинг хўжара қобиғи, цитоплазма, эндоплазматик тўр, Голжи мажмуаси, рибосома, митохондрия, лизосома, хўжара маркази, ядро ролларини ижро этувчилар учун қоғоздан манглайқош тайёрланади.

Манглайқошда қайси тингловчи қандай органоид ролини бажараётган ўқувчи бўлса, шу органоид номи ёзилади. Уларни 9 та ўқувчи бошларига кийиб олиб, ўз ролларини бажаришга киришишади.

Биринчи бўлиб доскага **хўжайра қобиғи** ролидаги и чиқади ва у:

- **Мен хўжара қобиғи бўламан. Мен ҳақимда нималарни биласизлар?** - деб савол беради.

- Хужайра қобиғи қандай тузилган, ҳайвон ва ўсимлик ҳўжаралари бир-биридан қандай фарқ қилади, гликокаликс нима, плазматик мембаран нима, фатоситоз ва пиноситоз ҳақида нималарни биласиз?

Иккинчи бўлиб доскага **цитоплазма** ролидаги ўқувчи чиқади ва ўзини таништириб савол беради:

- Цитоплазма ҳўжаранинг қандай муҳитини ташкил этади, унда қандай органоидлар жойлашган, у қандай функцияни бажаради?

Шундан кейин доскага **ядро** ролидаги ўқувчи чиқади, у ҳам ўзини таништириб, саволлар беради:

- **Ядро қандай тузилган, бўлинмаган ядрога қандай қисмлар ажратилади, улар қандай тузилган, хромасомалар интерфазада қандай ҳолатда бўлади?**

**Эндоплазматик тўр** ролидаги ўқувчи ўзини таништиради ва саволлар беради:

- **Эндоплазматик тўр қачон кашф қилинган, у қандай тузилишга эга ва қандай вазифаларни бажаради? Рибосома ролидаги ўқувчи: Рибосомалар қандай тузилган, таркибида нималар бор, неча хил кўринишда бўлади, полирибосома нима?**

**Митохондрия** ролидаги ўқувчи:

- Митохондриялар қандай шаклларга эга, тузилишини ва қандай функцияларни бажаришини сўрайди. Голжи мажмуаси ролини бажарувчи тингловчи:

- **Голжи мажмуаси кимнинг номи билан аталган, унинг тузилиши қанақа, қандай функцияларни бажаради?**

**Хужайра маркази** ролидаги ўқувчи чиқиб:

- **Хужайра маркази нима, центроил ҳақида нималар биласиз, унинг тузилиши қандай, нима вазифани бажаради?** Қолган ўқувчилар қўйилган саволларга жавоб беришади. Шундан сўнг доска ёнига ҳўжара органоидлари ролини ижро этувчилар, яъни ҳўжара қобиғи, цитоплазма, эндоплазматик тўр, рибосома, митохондрия, Голжи мажмуаси, лизосома, ядро ва ҳўжара маркази чиқиб ўзаро суҳбат қилишади.

Биринчи **«Эндоплазматик тўр»** сўз олади:

- Ҳов менга қаранглар. Органоидлар ичида энг кераклиси менман, чунки мен барча ҳайвон ва ўсимлик ҳўжараларида учрайман. Биз «Хасан - Хусанлармиз, биримиз силлиқ, биримиз донодормиз. Биз бир қанча функцияларни бажарамиз. Биз бўлмасак сенлар яшай олмайсанлар.

**Рибосома:**

- Менга қара Эндоплазматик тўржон, бунча талтайма, мен сендан кам иш бажармайман. Мен ҳам барча организмлар ҳўжараларида топилганман. Мен фақат сенинг таркибингда эмас, эркин ҳолда ҳам учрайман, менинг таркибимга ҳўжара ҳаётида муҳим рол ўйновчи оксил ва РНК киради, мен оксил синтези функциясини бажараман. Бу жараён жуда мураккаб, уни кўплашиб амалга оширамиз, бизнинг бу гуруҳимизни «Полисома» деб аташади.

**Митохондрия:**

- Эй, сен ҳам жуда ошириб юбординг-ку. Ахир сенларга зарур энергияни этказиб берувчи менман-ку. Менинг ички ва ташқи мембраналарим юзасида жуда кўп миқдорда ферментлар жойлашган. Аввало ҳўжаранинг нафас олишига ёрдам берадиган ферментлар менинг ферментларим. Нафас олиш эса менинг асосий функцияларимдан бири, чунки бу билан АТФ синтези учун зарур энергия этказиб берилади, АТФ эса барча организмлар ҳўжараларида менда синтезланади. Бу менинг асосий функцияларимдан иборат. Шунинг учун мени ҳўжаранинг «Куч манбаи» деб аташади.

**Голжи мажмуаси:**

- Мен ҳам муҳим биологик функцияларни бажараман. Оксиллар, углеводлар, ёғлар дастлаб менинг элементларимда тўпланади, сўнгра йирик ва майда пуфакчаларга айланади, кейин пуфакчалар найчаларимдан ажралиб, цитоплазмага ўтиб ҳўжара ҳаёт фаолиятида иштирок этади.

- Мен майда бўлсам-да катта функцияларни бажараман, - керилиб сўз бошлайди

лизосома. Менинг номим эритаман деган маънони англатади. Менинг ичимда оксиллар, ёғлар, углеводлар, нуклеин кислоталарни парчалайдиган ферментларим бор. Мен озик моддаларни актив хазм қилиш лаёқатига эгаман, мен ҳаёт фаолияти жараёнида нобуд бўлган ҳўжара қисмларини, бутун-бутун ҳўжаралар ва органларни йўқотишда иштирок этаман. Масалан, итбалиқнинг думини ферментларим йўқотади.

- Ҳаммаларинг ўзларингдан кетиб юбордуларинг-ку, - сўзни бўлади ядро,- ҳаммаларингдан ўзим зўрман. Мен интерфаза даврида мураккаб ўзгаришларга учраб кўп хизматлар кўрсатаман. Мана шу даврда менинг таркибимда қобиғим, ширам, ядрочам, хсоматиним бўлади. Қобиғим барча организмлар ҳўжаралари, ядроларининг зарурий структурасидир. Ширамда эса ядроча хромасомлар жойлашган, яна унда оксиллар, нуклеин кислоталар ва углеводлар кўп бўлади. Ядрочам таркибида РНК ва оксил мавжуд. Унда РНК синтезланади. Хроматиним эса шундай материалки, ундан бўлинаётганимда хромасомалар ҳосил бўлади. Хромасомалар менинг муҳим таркибий қисмимдир. Уларда ДНК тўпланади. Организмларнинг ҳар бир турида авлоддан - авлодга ўтадиган ирсий ахборот эса ДНКда бўлади. Менинг энг зўр ишларимдан бири ДНК синтезидир - Э, гапираверсам гап кўп. Сўзсиз мен ҳаммангдан зўрман!

Четда ҳамма тортишувларни эшитиб турган цитоплазма аста хўрсиниб: «Мен ҳам гапирсам майлими», -деб гап бошлайди. - Сизларга баъзи бир нарсаларни эслатиб ўтишга ҳақким бор деб ўйлайман. Чунки сизлар менда жойлашгансизлар. Бу билан мен мақтанмоқчи эмасман. Агар биргаликда ишламасак ҳўжаранинг нормал ҳаёт кечиришини таъминлай олмаймиз. Масалан, менинг босимимни сақлашда ҳўжара қобиғи катта рол ўйнайди. Шунга ўхшаш сизлар ҳам бир-бирингиз билан доим алоқада бўласизлар. Мен бундай алоқалардан биттасини келтирсам шунинг ўзи кифоя деб ўйлайман. Масалан, ҳўжарада синтезланадиган маҳсулотлар оксиллар, ёғлар, углеводлар, эндоплазматик тўр каналлари орқали Голжи мажмуасига ташиб берилади. Мана бу четда турган ҳўжара маркази ҳам катта иш бажаради. У бўлиниш дуки ҳосил бўлишида иштирок этади. Қисқаси, биз ҳаммамиз бир-биримизга боғлиқмиз!

Шундан сўнг ҳамма бир жойга тўпланишиб:

- Битта ҳўжарамиз! - Бир-биримизга боғлиқмиз! - дея уч марта қайтаришади. Ўйин дарсларини шу усулда олиб бориш, ўқувчиларнинг эслаш, фикрлаш қобилияти, энг муҳими эса фанга бўлган қизиқишини оширади. Дарсни ўтиб бўлгач, саволларга жавоб берилади, мавзунинг эътибордан четда қолган қисмлари тўлдирилади.
- Дарсда саволларга яхши жавоб берган, **фаол** катнашган, ролларни яхши ижро этган ўқувчилар маънавий жиҳатдан рағбатлантирилади. Сўнгга хулоса ясаб, келгуси дарслар ҳақида йўлланма берилади.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Эргашева М. Биология назарияси ва ўқитиш методикасидан маъруза матни.
2. Ишмухамедов Р. Ўқув жараёнида интерфаол услублар ва педагогик технологияларни қўллаш услубияти. - Т.: РБИММ, 2008. – 68 б.
3. Ишмухамедов Р.Ж, Абдукодиров А., Пардаев А. Директорнинг иш китоби (амалий тавсиялар). – Т.: «Fan va technology» нашриёти, 2007. – 122 б.
4. Ишмухамедов Р., Абдукодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: Истеъдод, 2008.-180 б.
5. Ишмухамедов Р.Ж, Абдукодиров А., Пардаев А. Тарбияда инновацион технологиялар (таълим муассасалари ўқитувчилари, тарбиячилари, гуруҳ раҳбарлари учун амалий тавсиялар).– Т.: Истеъдод, 2010.-140 б.
6. А.Т. Ғофуров ва бошқалар. Биологияни ўқитишнинг умумий методикаси. Ўқув-методик қўлланма. Т., 2005 йил. 152 б.
7. Сайидахмедов Н.С., Абдурахимов С.А. Педагогик маҳорат ва педагогик технология. Монография. Т. 2010 йил. 94-97 бетлар
8. Толипова Ж.О., Ғофуров А.Т. Биология ўқитиш методикаси. Ўқув-методик қўлланма. “Билим” 2004 йил. 160 б.
9. Толипова Ж.О. Биологияни ўқитишда педагогик технологиялар. Ўқув қўлланма. Низомий номидаги ТДПУ. Тошкент 2005 йил. 128 б.
10. Толипова Ж.О., Ғофуров А.Т. Биология таълими технологиялари. Т. “Ўқитувчи” 2002 йил. 128 б.
11. Колеченко А.Е. Энциклопедия педагогических технологий: Пособие для преподавателей. – СПб.: КАРО, 2002 г.
12. Питюков В.Ю. Основы педагогической технологии.- М.: «Гном-Пресс», 1999 г.
13. Узлуксиз таълим. «Шарқ» 2002 йил. 6-0 бетлар.
14. Шукур Пўлатов. Таълим муассасаларини илмий-методик бошқариш технологияси. “Тафаккур” нашриёти. Тошкент-2012.